- ствол инсулти нисбаи остида гипотиреоид кома;
- нейроген, ротофарингеал дисфагияни эслатувчи ҳолат;
- Психиканинг бузилиши, шу жумладан, фикрлаш бузилиши, шахс ўзгариши, неврозлар ва психозлар.

### 16.6. Диагностика

- ифодаланган гипотиреознинг клиник кўриниши,
- қонда гормонлар даражасини аниқлашни баҳолашга асосланган.

Гипотиреоид команинг диагностикаси бўйича кечиктириб бўлмас чораларни гипонатриемия билан қучсиз, сомнолент ёки ҳушсиз ҳолатда бўлган барча беморларга ўтказиш керак, айниқса гипотермия ва гиповентиляция бирга кузатилганида.

Анамнез

Бошдан кечирилган ҚБ касаллиги, радиофаол ёд, тиреоидэктомия ёки асоссиз тўхтатилган ШЖ гормонлари билан терапия ҳақидаги маълумотлар аҳамиятли бўлиши мумкин.

Физикал текширувлар

Операциядан кейин бўйиндаги тишча, палпацияланмайдиган ҚБ ёки бўқоққа эътибор қаратиш лозим. Шунингдек қуйидагилар аниқланиши мумкин:

- тери ўзгариши (тери қуриши, тери ўта оқ, сарғиш, тирсак ва товонларнинг ифодаланган гиперкератозлиги, бошдан соч тўкилиши);
- нафас олиш тизимининг ўзгариши (нафас олиш ҳаракатларининг частотаси ўзгариши, ўпканинг пасайган экскурсияси, ўпкада турғун хирриллаш овози);
- юрак-томир тизимининг ўзгариши (брадикардия, ифодаланган артериал гипотензия, юрак ўлчамларининг ошиши, юракнинг ўта паст тони, орбитал шиш, тана учларининг зич шиши);
- умумий аломатлар (овознинг бўғилиши, тилнинг каттариши, чуқур пай рефлексларининг секинлашуви, гипотермия)

Лаборатория тадқиқотлари

- Гормонал тадқиқотлар: Т3 ва Т4 эркин фраксиялар анча пасайган (тезкор терапияни бошлаш учун асос), ТТГ миқдори қўп ҳолатларда анча ошган ( $>15-20$  мМЕ/л). ТТГ миқдорининг тўсатдан ўсиши шунингдек узоқ вақт мавжуд бўлган компенсацияланмаган гипотиреозни англатади, лекин иккиламчи гипотиреоз ҳолатида ТТГ миқдори муҳим аҳамиятга эга эмас. Қонда кортизол даражасининг аниқланиши унинг буйрак усти танқислигида пасайишини рўйхатга олади.
- Қоннинг умумий таҳлили: анемия, лейкопения. Инфексияда лейкоцитлар формуланинг лейкоцитозсиз ёки лейкопения фониди чапга силжиши бўлиши мумкин.
- Қоннинг биокимёвий таҳлили: гипонатриемия, гипохлоремия, гипогликемия, креатинин, липидлар, креатининфосфокиназа, трансаминазалар концентрациясининг ошиши.
- Кислота-ишқор турғунлигининг тадқиқоти: гипоксия, гиперкапния, ацидоз.

Инструментал тадқиқотлар

- ЕКГ: синус брадикардия, тишчаларнинг паст волтажи, Т тишчанинг пасайиши ва инверсияси, СТ сегмент депрессияси.
- Кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенографияси: кардиомегалия, гидроперикард, турғун юрак етишмовчилиги, гидроторакс, пневмония эҳтимоли бор.
- ЭхоКГ: кардиомегалия, қоринчалар дилатацияси, перикардиал йиринг, юрак қисқаришининг пасайиши, зарб ва дақиқавий ҳажмнинг камайиши.

### **16.7. Дифференциал диагностика**

Гормонал тадқиқотнинг натижалари синдромга ўхшаш ҳолатларни дифференциаллашга ёрдам беради. Тиреоид патология билан боғлиқ бўлмаган, эркин Т3 концентрациясининг камайтирилишини ўткир ва сурункали

инфекциялар, салбий янги ҳосилалар, жигар, буйрак, юрак касалликлари, турли этимологиядаги коматоз ҳолатларда кузатиш мумкин, лекин бу ҳолатларда ТТГ ва эркин Т4 концентрацияси норма доирасида бўлади.

### **16.8. Кечиктириб бўлмас терапия**

Интенсив терапия ва реанимацияни булимида ўтказилади ва энг муҳими даволашнинг биринчи 24-48 соати асосийҳисибланади.

Даволаш комплекси:

- тиреоид гормонларнинг тўғри дозасини киритиш;
- глюкокортикостероидларни қўллаш;
- гиповентиляция ва гиперкапния, оксигенация билан кураш;
- кома ривожланишига олиб келган, бирга кечувчи касалликларнинг даволанишини ўз ичига олади.

### **16.9. Асоратлар**

- Ўткир буйрак усти етишмовчилиги (диагностика қилинмаган, бирга кечувчи сурункали буйрак усти етишмовчилиги бўлган беморларда, шунингдек тиреоид гормонларни юқори дозаларда киритганда кортизол клиренсининг тўсатдан ортиши оқибатида ривожланиши мумкин).
- Миокард инфаркти (ЮИК мавжуд бўлган беморларда тиреоидли гормонларнинг юқори дозаларини тайинлаш натижасида келиб чиқиши мумкин).

### **16.10. Кейинги муолажалар.**

Беморни кескин ҳолатдан чиқаргандан сўнг тиреоид гормонларни ичга киритиш терапиясини ўтказиш лозим.

### **16.11. Кутилиши мумкун булган ҳолат.**

Шубҳали, леталлик 20% дан ортиқни ташкил этади, кечиккан диагностика ва даволашда эса - 50% дан ортиқ. Башоратни ёмонлаштирувчи омилларга қуйидагилар киради:

- тана ҳарорати  $34^{\circ}\text{C}$  дан паст;
- ўтказилаётган терапия фонида гипертамиянинг 72 соат ва ундан ортиқ сақланиши;
- кекса ёш;
- брадикардия  $< 44$  зарб/дақ;
- сепсис;
- миокард инфаркти;
- рефрактер гипотония.

### **17. Туғма гипотиреоз**

Туғма гипотиреоз — болаларда энг кўп учрайдиган қалқонсимон без касаллигидир. Унинг асосида тиреоидли гармонларнинг тўлиқ ёки қисман етишмовчилиги бўлади. Болалардаги нормал ақлий ривожланиш фақат туғилишдан кейинги, биринчи 30 кун ичида ўрнини босувчи терапиясининг бошланиши билан амалга оширилиши мумкин.

- 85-90% ҳолларда туғма гипотиреоз – бирламчи бўлади ва йод танқислиги ёки қалқонсимон безнинг дисгенезияси билан боғлиқ бўлади. Бун-

дай ҳолда қалқонсимон безнинг аплазияси, гипоплазияси ёки дистопияси энг кўп тарқалган.

- Туғма гипотиреоз 3-4% дан ортиқ бўлмаган ҳолатларда иккиламчи ёки учламчи (гипофиз ва/ёки гипоталамус патологияси) ҳисобланади.
- Янги туғилган чақалоқларда транзитор гипотиреоз алоҳида кўриб чиқилади. Сўнгиси ҳомиладор аёлнинг тиреостатик препаратларни (пропицил, тиамазол) қабул қилиши билан боғлиқ бўлиши, қалқонсимон безга она антитаналари билан индукцияланиши мумкин.

Аксарият ҳолатларда бу ҳолат муддатидан олдин ва етилмаган чақалоқларда ривожланади, айниқса, йод танқислиги бўйича эндемик зоналарда.

Фақат 10-15% ҳолатда кузатиладиган, туғма гипотиреозга хос клиник аломатлар, эрта постнатал даврда қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳомиладорликнинг муддатидан ўтиб кетиши (40 ҳафтадан ортиқ);
- туғилганда катта тана вазни;
- Юздаги, лаблардаги ва қовоқлардаги шишлар, кенг “йойилган” тил ва яримочиқ оғиз;
- елка чуқурчалари, кафтларнинг орт қисмида, оёқ кафтида зич “ёстикчалар” кўринишида локал шишлар;
- муддати бўйича тўғри ҳомиладорликда етилмаганлик аломатлари;
- йиғи, кичкиришда паст қўпол овоз;
- мекониянинг кеч чиқиши;
- киндик канатининг кечки чиқиши, киндик ярасининг ёмон эпителизацияси;
- чўзилган сариқ касаллиги.

Чақалоқнинг 3-4 ойлигида бирламчи гипотиреознинг клиник белгилари:

- иштаха пасайиши, тана вазнинг секин ошиши;
- метеоризм (қориннинг дам бўлиши), ич қотиши;
- терининг қуриши, оқариши, арчилиши;
- гипотермия (кўл ва оёқларнинг совуқҳолатида бўлиши);
- синувчан, қуруқ сочлар
- мушаклар гипотонияси.

Ҳаётнинг 5-6 ойдан сўнг болада психомотор ва жисмоний ривожланишда кечикиш ўсади. Ногирон боланинг кенг диагностикаланадиган ҳолатларда скрининг ва даволаш нархи 1:4 нисбатда бўлади.

Туғма гипотиреознинг скрининги учун ТТГ ва Т4 даражаларининг тадқиқоти кенг тарқалган. Қон тери орқали пунксия (кўпинча товондан) йўли билан туғилгандан 4-5 кун ўтиб олинади (ундан олдин эмас!). Қонни олдинроқ олиниши (туғриқхонадан амалиётда қўлланилаётган эрта чиқарилиши туфайли) текширувнинг кўпҳолатларда хато ижобий натижалари туфайли мумкин эмас. Муддатидан олдин туғилган болаларда ТТГ га қон олишнинг мақбул ваъкти ҳаётининг 7-14 суткаси ҳисобланади.

Шунингдек филтрлаш қоғозининг махсус бланкаларида қон доғининг тўлиқ тўйинтирилмаслигига йўл қўйилмайди (қоннинг зарур ҳажми - 6-8 томчи ҳисобланади). ТТГ даражасини ўрганиш натижаси қуйидагича келтирилади: ТТГ даражаси 20 мМЕ/л дан кам бўлиши норма варианты сифатида баҳоланади, ТТГ даражаси бун кўрсаткичдан юқори бўлганида қон-

нинг барча намуналари такроран текширилиши керак; ТТГ даражасининг 50 мМЕ/л дан юқори бўлиши гипотиреозга шубҳа қилиш имконини беради, 100 мМЕ/л дан юқори даражаси эса катта эҳтимол даражаси билан касаллик борлигини англатади. Агар ТТГ даражаси 20-50 мМЕ/л га тенг беморларда текширув қайта ўтказилганида ТТГ даражаси 20 мМЕ/л дан ошса, умумий Т4 даражаси эса 120 нмоль/л дан паст бўлса, левотироксин тайинланиши кўрсатилган. ТТГ даражаси 50 мМЕ/л дан юқори бўлганида даволашни натижалар қайта текширилиши кутилмасдан бошланади ва агар натижалар такроран текширув билан тасдиқланмаса, бекор қилинади. Поликлиникада терапия бошланганидан 2 ҳафта ва 1-1,5 ой ўтгач, иккала кўрсаткичларнинг назорат тадқиқотини ўтказиш керак, бу ҳақиқий туғма гипотиреозни транзиторлисидан ажратиш имконини беради (3-расм).

Туғма гипотиреоз ташхиси қўйилган болаларга 1 ёшда левотироксиннинг икки босқичли ман қилиниши ва ТТГ ва Т4 даражаларини текшириш йўли билан ташхиснинг такроран аниқланиши ўтказилади. Нормал кўрсаткичлар олинганида даволаш қайта тикланмайди. Туғма гипотиреози бўлган барча болаларга касалликнинг этиологиясини белгилаш учун УТИ, зарурият бўлганида эса - 123И билан радиоизотоп тадқиқот ўтказиш керак. Левотироксин билан ўрин босиш терапиясини 25-50 мкг/сут ёки 8-12 мкг/кг/сут дастлабки дозада ўтказишади. Тана сиртининг майдонига ҳисобланганида препаратнинг дозаси янги туғилган чақалоқларда 150-200 мкг/м<sup>2</sup>, бир ёшдан катта болаларда - 100-150 мкг/м<sup>2</sup> ни ташкил қилади.

### 18. Беморни тайёрлаш ва ўргатиш

Гипотиреоз - бу қалқонсимон без касаллиги бўлиб, унинг самарадорлиги пасаяди; нормал ҳаёт кечириш учун зарур бўлган тиреоид гормонлари (трийодтиронин и тироксин) камроқ миқдорда ишлаб чиқилади (мутахассислар буни функциянинг пасайиши деб аташади).

Касалликнинг аломатлари (белгилари): гипотиреозда кучсизлик, тез чарчаш аломатлари, уйқучанлик, апатия кузатилади. Гипотиреоз касалига чалинганлар, ҳар доим совуқ қотади, иссиқ кунда ҳам қалин кийиниб оладилар ёки ўраниб оладилар, совуққа тоқат қила олмайдилар, кўпинча ич қотиши ва нафас қисилиши билан безовталанадилар. Хотира функцияси ёмонлашади, инсон фикрлаш ва ўйлаш қобилияти секинлашади, айниқса бу ўзгаришлардан ақлий меҳнат билан шуғулланадиган инсонлар кўпроқ азият чекадилар.

Гипотиреозни билиб олиш мумкин бўлган ташқи белгилар: гипотиреоз билан касалланган беморнинг юзидаги мимика ҳаракатлари камаяди («маска кийган инсонга ўхшайди»), юзида шишлар пайдо бўлади, айниқса кўзлар ва лаблар атрофида бу яққол кўринади, ҳаракатланиши ва нутқи секинлашади, овоз пасаяди, тери қопламаларининг ранги ўзгаради, сарғиш тусга киради. Тери совуқ ва қуруқ ҳолатда бўлади, соч толалари қуруқ ва синувчан, соч тўкилиши кузатилади, тирноқлар мўрт ва синувчан бўлади. Касалликнинг ривожланиши давомида нафақат юз шишиши, балки бутун тананинг шишиб кетиши ҳам кузатилади, иштаҳа йўқ бўлса ҳам бундай инсонларда вазни кескин равишда ошади.

Гипотиреоз асоратлари: агар шиш нафас олиш мушакларига тарқалса, беморда нафас қисилиши ривожланади ва у даволанмаса, кислороднинг прогрессив етишмаслиги оқибатида гипотиреоид кома ривожланиши мумкин.

Гипотиреознинг ташхисланиши: агар шифокор беморда қалқонсимон безнинг дисфункциясига шубҳа қилса, у ҳолда тиреоид гормони даражасини текшириш - тироксин - ва қон зардобидаги ТТГ миқдорини аниқлаш керак. Гармонлар даражасини аниқлаш учун овқатланмаган инсоннинг томирдан қон олинади. Қалқонсимон без бузилишининг дастлабки босқичида тироксин даражаси ўзгармайди, ТТГ даражаси эса ошади.

Гипотиреозни даволаш: Гипотиреоз ривожланишида, ёшидан қатъий назар, тиреоид гармонлари мажбурий тарзда белгиланади.

Мақбул дозани гипотиреознинг ифодаланганлиги ва тиреоид гормонлардан фойдаланишни чекловчи, бирга кечувчи касалликлар борлигига қараб шифокор танлайди. Левотироксин, уни қабул қилишдан клиник самара бўлиши учун, организмда триёдитиронинга (фаол гормон) айланиши керак, бу эса вақт талаб қилади. Шунинг учун левотироксин тайинланганидан сўнг кайфият яхшиланиши даволаш бошланганидан тахминан 2-3 ҳафта ўтиб сезиларли бўлади. Препарат узоквақт терапия учун қулай, чунки қунига бир маҳал қабул қилинади. Даволаш бошланганидан 1-2 ой ўтиб, агар доза тўғри танланган бўлса, беморнинг ўзини ҳис қилиши деярли нормаллашади.

Тиреоид гормонлар кекса ёшдаги, юрак-томир касалликларига эга беморларда эҳтиёткорлик билан қўлланилиши лозим, чунки улар юрак ишини оширади, унинг қисқаришлар сонини оширади ва бу билан унинг кислородга эҳтиёжини оширади. Агар юрак томирлари атеросклероз билан зарарланган ва қон оқими ортган эҳтиёжга мувофиқ оширилишининг иложи бўлмаса, бу мавжуд юрак-томир касалликларининг кескинлашувиغا олиб келиши мумкин: ҳуружлар частотаси ва стенокардия оғирлашувларининг ортиши, юрак ритмининг бузилиши, юрак етишмовчилиги кўринишларининг ўсиши (нафас қисиши, шишлар). Агар беморда жигар ва буйрак функцияларининг жиддий бузилишлари мавжуд бўлса, тиреоид гормонларни катта дозада тайинлаш ўта хавфли.

Бемор шифокорга ўзида бўлган юрак, жигар ва буйрак касалликларидан хабардир қилиши муҳим, чунки даволашнинг хавфсизлиги шунга боғлиқ. Шифокор терапиянинг юракка салбий таъсир йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун тиреоид гормонларни кам дозада тайинлайди ва назорат электрокардиограммасини тавсия қилади.

Гипотиреозда тиреоид гормонларнинг дозаси ТТГ даражаси бўйича тартибга солинади: у нормал бўлиши лозим. Бемор кайфиятининг ўзгариши, пулс частотасининг нормаллашуви, шишларнинг йўқолиши шифокорга дозани танлашда ёрдам беради. Фақат тиреоид гормонлардан фойдаланишни чекловчи касалликлар бўлган ҳолатда, препаратни ТТГ даражаси нормадан бирмунча юқори бўладиган тарзда дозалашади - бу дозада терапия хавфсиз бўлади.

Гипотиреоз тиреоид гормонлар билан бутун умрлик доимий ўрин босиш терапиясини талаб қилади. Ҳаёт учун башорат ижобий.

## Гипотиреознинг клиник тавсияларга ишланган ЙУЛ ХАРИТАСИ

1- Боскич (умумий амалиёт шифокори, терапевт, ревматолог, кардиолог, гинеколог, уролог, невролог ва офтальмолог)

### Асосийшикоятлар:

- Уйқучанлик
- Нутқдаги нуқсонлар
- Хотиранинг сусайиши
- Парестезия
- Депрессив ҳолат
- Мушакдаги оғриқлар
- Хансираш
- Физик зўриқиш
- Кардиалгия
- Сочларнинг тўкилиши
- Тери рангпарлиги ва сарғиш тусга кириши
- Юздаги шишлар
- Оёқ-қўлдаги шишлар (кам ҳолларда)
- Метеоризм
- Ич қотиши
- Кўнгил айнаиши
- Кўп кон кетиш
- Бепуштлик
- Ҳайз циклининг бузилиши (олигоопсоменорея ёки аменорея)
- Артралгия
- Тана вазнининг ортиши
- Совқотиш

### Физикал белгилар

- Тери қуриши
- Ақлий заифлик (брадифрения)
- Пай рефлексларининг пасайиши
- Полинейропатия
- Делирий (кам ҳолларда)
- Қўрқув ҳисси пайдо бўлиши тахикардия билан (кам ҳолларда)
- Брадикардия
- Кардиомегалия
- Гидроперикард
- Юрак етишмовчилиги
- Гипотония (баъзида гипертензия)
- Гепатомегалия
- Галакторея
- Гиперпролактинемик гипогонадизм
- Иккиламчи тухумдон поликистози
- Семириш
- Гипотермия

*Гипотиреозга хос бўлган қатор клиник белгилар аниқланганда беморга эндокринолог куриги тавсия этилади .*

## **2-Боскич-эндокринолог кўриги (КТМП/ТМШ)**

Клиник текширув:

- Антропометрия
- Тана ҳароратини ўлчаш
- Тери, тил, сочлар ва тирноқларни кўздан кечириш
- Пульс ва АҚБни ўлчаш
- ҚБ пальпацияси. (1-жадвал)

Лаборатор текширувлар:

- умумий қон ва сийдик таҳлили
- қонда липидлар спектри миқдори
- қонда кальций миқдорини аниқлаш;
- қонда АЛТ, АСТ, билирубин миқдорларини аниқлаш;
- қон зардобиди ТТГ, эркин Т4, тиреопероксидазага антитаналар (АТ-ТПО) миқдори

Инструментал текширувлар:

- ЭКГ
- ҚБ УТТси

Даволаш: - Медикаментоз даво: эндокринолог маслаҳатидан сўнг левотироксин натрий дори воситалари, клиник ҳолатини динамик назорат қилиш (2,3-жадваллар)

Ҳомиладорларда гипотиреозни даволаш:

1. Таркибиди йод тутувчи дори воситаларини 200-250 мкг миқдорда тавсия қилиш.
2. Индивидуал танланган миқдорда тиреоид гормонлар буюрилади, левотироксин натрий дори воситалари миқдори ўзгартирилганда ҳар ой ТТГ ва тиреоид гормонлар назорати қилинади (миқдор коррекция қилинмаганида – ҳар триместрда)

Триместрлар буйича ТТГ даражасини референс кўрсаткичлари:

- 1 триместр 2,5 мМЕ/л
- 2 триместр 3,0 мМЕ/л
- 3 триместр 3,5 мМЕ/л

## **3-боскич -эндокринолог кўриги (ВЭД):**

Клиник текширув:

- Антропометрия
- Тана ҳароратини ўлчаш
- Тери, тил, сочлар ва тирноқларни кўздан кечириш
- Пульс ва АҚБни ўлчаш
- ҚБ пальпацияси. (1-жадвал)

Лаборатор текширувлар:

- умумий қон ва сийдик таҳлили
- қонда липидлар спектри миқдори
- қонда кальций миқдорини аниқлаш;

- қонда АЛТ, АСТ, билирубин миқдорларини аниқлаш;
- қон зардобиди ТТГ, эркин Т4, тиреопероксидазага антитаналар (АТ-ТПО) миқдори

Инструментал текширувлар:

- ЭКГ
- ҚБ УТТси
- Зарурат бўлганда – ҚБ ингичка игнали аспирацион биопсияси, бош мия МРТси.

Даволаш: - Медикаментоз даво: эндокринолог маслаҳатидан сўнг левотироксин натрий дори воситалари, клиник ҳолатини динамик назорат қилиш (2,3-жадваллар)

Ҳомилдорларда гипотиреозни даволаш:

1. Таркибиди йод тутувчи дори воситаларини 200-250 мкг миқдорда тавсия қилиш.
2. Индивидуал танланган миқдорда тиреоид гормонлар буюрилади, левотироксин натрий дори воситалари миқдори ўзгартирилганда ҳар ой ТТГ ва тиреоид гормонлар назорати қилинади (миқдор коррекция қилинмаганида – ҳар триместрда)

Триместрлар бўйича ТТГ даражасини референс кўрсаткичлари:

- 1 триместр 2,5 мМЕ/л
- 2 триместр 3,0 мМЕ/л
- 3 триместр 3,5 мМЕ/л

#### **4-боскич- эндокринолог, хирург-тиреоидолог, радиолог кўриги (РИИАТЭМ)**

Қалқонсимон без раки гипотериоз билан аниқланган вақтда, struma magna, странгуляцион синдром, беморни РИИАТЭМ, хирург-тиреоидолог ва радиолог куригигаюбориш лозим.

Беморда қўшимча диагностик текширувлар ўтказилади:

- ҚБ ва лимфоколлекторлар УТТси
- ҚБ ингичка игнали аспирацион биопсияси
- ҚБ МРТси
- ҚБ сцинтиграфияси

**Даволаш усуллари:**

**Медикаментоз даволаш: Левотироксин натрия**

*Жаррохлик усули:* (тотал, субтотал тиреоидэктомия, гемиструмэктомия) кўрсатмаларга биноан амалга оширилади.

## Жадваллар

1-жадвал. ҚБнинг катталашиши даражаси (ЖССТ):

Қалқонсимон без катталашиши даражалари	Физикалбаҳо бериш
0 даража	Буқоқ йўқ
I даража	Қалқонсимон без бўлақлари ўлчами бемор 1-бармоғининг дистал фалангаси ўлчамидан катта
II даража	Қалқонсимон без пайпасланади ва кўринади


2-жадвал. Гипотиреозда **Левотироксин натрия** билан ўрин босувчи гормонал терапияни бошланғич босқичи

55 ёшдан кичик, юрак-қон томир касалликлари бўлмаган беморлар	Бошланғич миқдор: аёллар - 50-100 мкг/сут, эркаklar - 50-150 мкг/сут
55 ёшдан катта ёки юрак-қон томир касалликлари бўлган беморлар	Бошланғич миқдор - 25 мкг/сут қонда ТТГ миқдорини меъёрлашгунга қадар 2ойлик интервал билан 25 мкгдан ошириб борилади. Юрак-қон томир тизими томонидан симптомлар пайдо бўлса ёки қон томир тизими касалликлари оғирлашса, гипотиреоз давоси коррекция қилинади. Қонда ТТГ миқдори кўпроқ аниқланади.

3-жадвал. Туғма гипотиреозни даволаш учун тавсия этилувчи миқдорлар

Левотироксиннинг кунлик миқдори (мкг)	Левотироксиннинг тана вазнига кўра миқдори (мкг/кг)
25-50	10-15
50-75	8-10
75-125	4-6
100-200	3-4
100-200	2-3

## Гипотиреозни даволаш ва диагностика алгоритми



### Адабиётлар:


1. Гипотиреоз. Руководства для врачей общей практики (семейных врачей). Под редакцией Денисова И.Н., 2015. – 30с.
2. Дедов И.И., Мельниченко Г.А., Фадеев В.В. Эндокринология. ГЭОТАР – Медиа, 2009. - 422 с.
3. Эндокринология. Национальное руководство. Краткое издание / под ред. И.И. Дедова, Г.А. Мельниченко. — М.: ГЭОТАР-Медиа, 2013. — 752 с.

4. Garber J.R., Cobin R.H., Gharib H, et al: Clinical practice guidelines for hypothyroidism in adults: cosponsored by the American Association of Clinical Endocrinologists and the American Thyroid Association. *Thyroid* 2012; 22: 1200–1235.
5. Garber J.R., Cobin R.H., Gharib H., Hennessey J.V., Klein I., Mechanick J.I., Pessah-Pollack R., Singer P.A., Woeber K.A. Clinical Practice Guidelines for Hypothyroidism in Adults: Cosponsored by the American Association of Clinical Endocrinologists and the American Thyroid Association *Endocr. Pract.* - 2012 - Vol. 11 – P. 1 – 207.
6. Guideline: Management of Subclinical Hypothyroidism. *Eur. Thyroid J.* 2013; 2: 215–228 DOI: 10.1159/000356507.
7. Pearce, Brabant G., Duntas L., Monzani F., Peeters R., Razvi S., Wemeau J-L. - 2013 – ETA Guideline: Management of Subclinical Hypothyroidism. – *Eur. Thyroid J.* 2013; 2: 215-228.
8. Simon H.S. Pearce, Georg Brabant, Leonidas H. Duntas, Fabio Monzani et al: 2013 ETA
9. Stagnaroo Green A., Abalovich M., Alexander E. et al. Guidelines of the American thyroid association the diagnosis and management of thyroid disease during pregnancy and postpartum. *Thyroid* 2011; 21: 1081–1125.
10. The use of LLT4 + LLT3 in the treatment of hypothyroidism: guidelines of the European Thyroid Association The European Thyroid Association Taskforce: Wilmar M. Wiersinga, Leonidas Duntas, Valentin Fadeyev, Birte Nygaard, Mark Vanderpump *Eur. Thyroid J.* 2012; 2.

## ГРЕЙВС КАСАЛЛИГИНИНГ диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протоколлар

Тиреотоксикоз (ХКТ коди E05.0) - бу, ҳар хил этиологияли, кўплаб клиник симптоматика ва бир неча даволаш усулига эга ҳолат ҳисобланади. «Тиреотоксикоз» термини қалқонсимон без (ҚБ) ноадекват юқори даражадаги гормонларининг натижасида келиб чиқадиган клиник ҳолат ҳисобланади.

Грейвс касаллиги (ГК) тиреотоксикознинг энг тарқалган сабаби ҳисобланади. Тугунли захарли буқоқ камроқ тарқалган бўлсада, унинг тарқалиши ёш катталашган сари ва озик овқатда йод моддасининг танқислиги билан кўпаяди. Шунинг учун тугунли захарли буқоқ кекса беморларда, айниқса йод танқислиги ҳудудларида Грейвс касаллигига нисбатан кўп тарқалган бўлиши мумкин.



1-расм. Грейвс касаллиги этиологияси схематик равишда

Тиреотоксикознинг камроқ учрайдиган сабабларидан ўзига оғриқсиз ва нимўткир тиреоидит бўлиб ҚБ тўқимасини яллиғланиши ҳисобига аввалдан ишлаб чиқарилган гормонларни қонга чиқишда. Оғриқсиз тиреоидит, лимфоцитар яллиғланиш билан чиқарилиб, текширилувчи популяцияда ҳар хил частота билан учрайди: Данияда унга тиреотоксикоз билан касалланган беморларнинг 0,5% туғри келади, лекин Торонтода 6% ва Висконсинда 22% бемор ҳисобга олинган.

Оғриқсиз тиреоидит литий цитокинлар билан ёки тирозинкиназа ингибиторлари билан даволашда юзага келиши мумкин (масалан, интерферон-А), туғруқдан кейинги ҳолатда эса у туғруқдан кейинги тиреоидит дейилади. Оғриқсиз деструктив тиреоидит (одатда нолимфоцитар) амиодарон қабул қиладиган 5-10% беморларда учрайди. Ним ўткир тиреоидит, вирус инфекцияси томонидан чақирилиб иситма чиқиши ва қалқонсимон безда оғриқ билан кузатилади.

Тиреоид гормонларнинг хужайра самараси ҚБ гормонларининг фаол шакли Т3 билан боғлиқ. Т3 ядронинг иккита кўпгина генлар эспрессияси-

ни бошқарадиган специфик рецепторлар (ҚБ а ва b рецепторлари) билан боғланади. Қалқонсимон без гормонларининг ногеном таъсири кўп муҳим физиологик функцияларни бошқариш билан боғлиқ.

## **2. МКБ 10 бўйича кодлар**

Тиреотоксикоз (гипертиреоз) (E05):

E05.0 – Тиреотоксикоз диффуз буқоқ билан.

E05.1 – Тиреотоксикоз заҳарли тугунли буқоқ билан.

E05.2 – Тиреотоксикоз заҳарди кўп тугунли буқоқ билан

## **3. Тиреотоксикознинг эпидемиологияси**

Диффуз заҳарли буқоқни (ДЗБ) умумий популяцияда тарқалиши худда караб 2—5%, бир йилда касалланиш 100 000 аҳолига 5—7 инсонни ташкил қилади. ДЗБ аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ учрайди (7:1 дан 10:1 гача), 20 дан 50 ёшгача.

## **4. Хавф оми ллари ва гуруҳлари**

Жинс – ДЗБ аёлларда эркакларга нисбатан 8 марта кўп учрайди; тарихи – бемор ёки унинг яқинларида анамнезида қалқонсимон без касаллиги, аутоиммун касалликлар, эндокрин касалликлар бўлиши ДЗБ ривожланиши хавфини оширади; ёш – ДЗБнинг ривожланиши учун эг хавфли ёш - 20 и 50; хомиладорлик; чекиш; ҚБ гормонларини кўп қабул қилиш; йоднинг таъсири ёки унинг ортиқлиги; қаттиқ стресс

## **5. Тиреотоксикознинг классификацияси**

### **Тиреотоксикоз синдроми билан кечувчи касалликлар**

- Грейвс-Базедов касаллиги
- Токсическая аденома
- Кўп тугунли (тугунли) токсик буқоқ
- ҚБ саратони (юқори қиёсланадиган)
- Оилавий аутоиммун бўлмаган тиреотоксикоз
- Аутоиммун тиреодит
- Ним ўткир тиреодит
- Нурланган тиреодит
- Туғруқдан кегинги тиреодит
- Йод келтириб чикувчи тиреотоксикоз (Йод-Базедов)

### **Бошқа аъзоларнинг касалликлари.**

- Struma ovarii (гиперфункцияланган тиреодит тўқималарнинг атепик жойлашиши)
- Гипофиз аденомаси (ТТГ-ишлаб чиқарувчи)
- Тиреодит гормонларга гипофизар қаршилик
- Хорионэпителиома – сурункали гонадотропин ишлаб чиқарувчи ўсмалар
- Сунъий тиреотоксикоз

Қалқонсимон безда радиойодни нормал ёки юқори қабул қилиши билан боғлиқ бўлган ва қалқонсимон безда радиойодни жуда паст қабул қилиши билан боғлиқ тиреотоксикозни қиёсий таққослаш (1-жадвал)

Жадвал 1. Тиреотоксикоз сабалари

Қалқонсимон безда радиоактив йодни нормал ёки юқори қабул қилиши билан боғлиқ тиреотоксикоз	Қалқонсимон безда радиоактив йодни жуда паст қабул қилиши билан боғлиқ тиреотоксикоз
ГК	Огриксий (аъломатларсиз) тиреоидит
ТА ёки КТТБ	Амиодарон тиреоидит
Трофобластик касалик	Ним уткир тиреоидит
ТТГ- ишлаб чиқарувчи гипофиз ўсмалари	Ятроген тиреотоксикоз
Тиреоид гормонларга қаршилик қилувчи (Т3 рецепторининг мутацияси)	ҚБ гормонларини доимий қабул қилиш
	Struma ovarii
	Уткир тиреоидит
	ҚБ фолликуляр саратонининг уткир метастазаси.

Тиреотоксикоз одатда субклиник ёки манифест ҳолатда бўлади. Субклиник тиреотоксикоз ТТГ гормонининг паст бўлиши ёки қисман пасайиши ва эркин Т3, Т4 нинг нормал ҳолатда бўлганда кузатилади. Субклиник тиреотоксикознинг клиник белгилари секин юзага чиқади. Манифест тиреотоксикоз ТТГ гормонининг субнормал бўлиши, эркин Т3 ва эркин Т4 гормони юқори бўлган ҳолатда кузатилади. Манифест тиреотоксикознинг клиник белгилари яққол кузга ташланади (2-жадвал).

2-жадвал. Тиреотоксикознинг оғирлик даражалари

Оғирлик даражалари	Мезонлар
Субклиник тиреотоксикоз	Кучли бўлмаган клиник белгилар ва гормонал текширувлар натижалари орқали қуйилади. Кондаги ТТГнинг миқдори пасаяди, лекин эрТ3, эрТ4нинг миқдори нормал бўлади.
Яққол Тиреотоксикоз	Касаликнинг клиник белгилари намоён бўлади ва гормонал узгаришлар юзага келади. эрТ4 ва/ёки эрТ3 миқдори ошиши натижасида ТТГнинг миқдори пасаяди. - компенсацияланган - декомпенсацияланган
Асоратланган тиреотоксикоз	Оғир асоратлар юзага келади: юрак етишмовчилиги, тромбоэмболик асоратлар, буйрак усти беши етишмовчилиги, токсик гепатит, паренхимал аъзоларнинг дистрофик узгаришлари, психоз, кахексия ва бошқалар.

*Таъхис куйиш формуласи*

1. Диффуз токсик букок 2 дар. Тиреотоксикоз огир куруниши  
Асорати: Тиреотоксик юрак. хилпилловчи аритмия, тахисистолик куруниши.
2. Диффуз токсик букок 2 дар. Тиреотоксикоз урта огирликда, кайталанувчи куруниши.

**7. Катта одамларда тиреотоксикозга амбулатор ташхис куйиш коидалари**

**7.1. Тиреотоксикозни таъхислашнинг алгоритми.**

**I этап** – Тиреотоксикозни аниқлаш ва унинг аъломатларини таққослаш - физикал текширувлар;

- кондаги ТТГ; эркин Т4, эркин Т3нинг микдорини аниқлаш;

**II босқич** – тиреотоксикозни нозологик тегишлигини ва унинг асоратларини аниқлаш:

- Умумклиник (гемоглобин, эритроцитлар, тромбоцитлар) ва биохимик (АЛТ, АСТ, билирубин) текширувлар;
- Кондаги ТТГ $\alpha$ -АТни текшириш;
- Калконсимон безнинг УТТ текшируви;
- ЭхоКГ;
- Корин бушлигининг УТТ текшируви ;
- Кукрак кафасининг рентгенографияси ;
- Калконсимон безнинг сцинтиграфия
- Калконсимон безнинг биопсияси

**7.2. Тиреотоксикозга клиник белгилари**

***Шикоятлар***

- Терлаш.
- Ховлиқиш
- Уйқусизлик
- Соч тукилиши
- Куз олмасининг чиқиши
- Бутун тананинг титраши
- Хаво йетишмовчилиги.
- Жисмоний зуриқиш
- иссиқдаги бардошсизлик
- Озиб кетиш
- Юрак аритмияси
- Холсизлик
- Йиглокилик
- Юрак тез уриши
- Асабийлик
- Мушаклардаги зуриқиш
- Корин тез очиши
- Ич тез келиши
- Калконсимон без катталашиши

- Бепуштлиқ.
- либидонинг пасайиши
- Хайз қуришнинг бузилиши

#### **Физикал белгилар**

- Терлаш, баданнинг кизиши
- Ховлиқиш
- миокардиодистрофия
- пулс қон босимини кенгайиши
- Унг қорнчани қон айланишининг бузилиши
- психозлар
- Юрак уришининг тезлашиши
- Хаяжонланишнинг қупайиши
- Систолик артериал қон босимининг ошишиар
- аритмия (пароксизмал тахикардия, экстрасистолиялар)
- тиреотоксик гепатоз
- Озиб кетиш
- Тана хароратининг бузилиши

### **7.3. Лаборатор текширувлар**

*Гормонал текширувлар.* Тиреотоксикоз аъломатларига тахмин килинганда куйидаги текширувлар утказилади.

Кондаги ТТГ, эркин Т3 ва эркин Т4 микдорини аниқлаш.

Тиретоксикозга тахмин килинганда биринчи уринда кондаги ТТГ микдорини аниқлаш бошка қон тахлилларига нисбатан энг аниқ ташхислаш усули ҳисобланади. Лекин тиреотоксикозга аниқ ташхис куйиш учун кондаги ТТГ, эркин Т3 ва эркин Т4 микдорини аниқлаш мақсадга мувофиқ булади. Агарда қалқонсимон без фаолиятида узгаришлар булмаса ТТГ ва эркин Т4нинг курсаткичлари бир бирига қарама қарши булади. Шунинг учун кондаги эркин Т4нинг узгариши ТТГ нинг ҳам узгаришига олиб келади.

Яққол тиреотоксикозда кондаги Т4, Т3 нинг микдори ошади, ТТГ нинг микдори эса субнормал ҳолатда булади (одатда  $<0,01$  мЕ/л). Муътадил тиреотоксикозда Т4 ва эркин Т4нинг микдори меъёрида булиши, фақатгина Т3 нинг микдори қутарилиши мумкин, ТТГ нинг микдори эса паст булади. Бу лаборатор тахлиллар жавоби тиреотоксикоз касаллигининг бошланиши булиб, Грейвс касалиги ва қалқонсимон безни автаном бошқаруви тугунни чакириши мумкин. Субклиник тиреотоксикозда кондаги эркин Т4 ва умумий Т3 ёки эркин Т3 нинг микдори нормал, ТТГ нинг микдори эса субнормал булишини кузатишимиз мумкин.

*Қоннинг биохимик тахлили.*

Умумий қон тахлили: анемия и агранулоцитозни аниқлаш учун; кондаги буйрак трансамназнинг қутарилиши, кондаги кальцийнинг пасайиши.

### **7.4. Инструментал текширувлар**

*ЭКГ:* Чап қоринчанинг гипертрофияси, юрак қискаришлари сонинг ошиши, юрак қискаришининг ошиши, юрак ритмининг бузилиши.

*Қалқонсимон безнинг УТТси:* ҚБнинг диффуз қатталаниши, Токсик аденомада тугун булиши.

*Калконсимон без сцинтиграфияси:* Одатий холларда (тиреотоксикоз, ЭОП, диффуз букоқ, ёш беморларда) кулланилиши тавсия этилмайди. Бу метод ДТБ да калконсимон без фаолиятини (тугрукдан кегинги, ним уткир тиреоидит ва бошкалар), ёки калконсимон безнинг функционал автономиясида (куп тугунли токсик букоқ «кайноқ» тугунлар билан) кулланилади.

*Корин бушилиги УТТ:* гепатомегалия,

*Кукрак кафаси рентгенографияси:* кардиомегалия, гидроторакс.

*КБ ингичка игнали цитологик текшируви:* КБ саратони касалигини аниқлаш

## **8. Дифференциал ташхислаш**

ГК ва бошқа тиреотоксикоз билан кечадиган касалликларни (КБ функционал автономияси, деструктив тиреотоксикоз) дифференциал ташхислаш учун, консерватив даволашни режалаштиривотганда ва уни бекор қилинишини арафасида касалликни ремиссияга етишини/етганилигини баҳолаш учун, ЭО фаоллигини баҳолаш учун, неонатал тиреотоксикозни ГК билан оналардан туғилган чақалоқларда баҳолаш учун ТТГр-АТ ни аниқлаш тавсия этилади

ГК ва шунга ўхшаш симптоматика билан кечадиган ва КБ нормал функцияси билан касалликларни (масалан, атеросклеротик ўзгаришлар сабабли хилпилловчи аритмия) дифференциал ташхислаш гормонал текширувлар ўтказилиши осонлиги ва арсеналда борлиги сабабли қийин эмас. Қийинчиликлар тиреотоксикоз билан кечадиган касалликларни ГКдан дифференциал ташхислашда учрайди. Бошқа касалликларда учрайдиган эндокрин офталмопатияни борлиги бу муаммода катта ёрдам кўрсатади.

Ним ўткир тиреоидит ва тиреотоксикоз билан кечувчи касаликларда (тугрукдан кегинги, цитокининланган тиреоидит, амиодаронинланган тиреотоксикоз 2 тур) қалқонсимон безни сцинтиграфия қилинганда радиофарм дори воситасини жуда паст ёки умуман қабул қилмаслигини кузатилади.

Бундан ташқари, ним ўткир тиреоидитда яққол клиник белгиларни (оғриқ) ва ЭЧТнинг кўтарилганини кўришимиз мумкин. Кекса ёшдагиларда қалқонсимон без функционал автономияси кўп тугунли токсик букоқ билан ифодаланади (50 – 60ёш); қалқонсимон без сцинтиграфиясида «кайноқ» тугунлар аниқланади, лекин аутоиммун касалликлар аниқланмайди (АТ-ТПО, АТ-ТГ, ТТГр-АТ).

Хомиладор аёлларда ГК ташхислаш қийинчилик туғдириши мумкин. Одатда хомиладорлик даврида сурункали гонадотропинга боғлиқ холда КБ гиперстимуляциясини кузатишимиз мумкин, кўпчилик аёлларда (30 % атрофида) ТТГ миқдорини нормадан пасайиши, базада эса (2%) эркин Т4 нинг кўтарилишини кўришимиз мумкин. Бу холатни ГК билан қиёсий таққосланганда ЭОП, бошқа тиреотоксикозга хос белгилар кузатилмайди, бундан ташқари динамик кузатуда бу кўрсаткичларни меъёрга келганини кўришимиз мумкин. Шунинг учун керакки, хомиладор аёлларда умумий Т4 нинг миқдори меъёрдан юқори бўлади, бу эстрогеннинг ТСГга нисбатан юқори булишига боғлиқ. Шу билан боғлиқ холда хомиладорлик даврида қалқонсимон без фаолияти эркин Т4 ва ТТГнинг миқдорига қараб

баҳоланади. Сунъий тиреотоксикозни (катта миқдорда тиреоид дори воситаларини қабул қилиш) ГК фарқланганда, сцинтиграфияда радиофарм дори воситасини кам қабул қилиши ва тиреоглобулин миқдорининг ошиши, бошқа касалликларга нисбатан ҚБ гиперфункциясини кузатишимиз мумкин.

**Грейвс касаллиги ва ўтиб кетувчи гестацион тиреотоксикозни қиёсий таққослаш.**

Текшириш усуллари	Грейвс касалиги	Ўтиб кетувчи гестацион тиреотоксикоз
Анамнез	Грейвс касалиги ёки или ҚБ аутоиммун касаликлари	ҚБ касалликлари кузатилмайди
Хомиладорлик давлари	Хомиладорликнинг барча даврида	Хомиладорликнинг бошланғич даврида ва кўпинча кўп хомилали хомиладорликда.
Клиник белгилари	Тиреотоксикоз аъломатлари яққол аниқланади (озиш, юрак тез уриши, терлаш, кўл титраши). Хар доигидек ти-реотоксикознинг аъломатлари аниқланади (юрак уришининг 100дан баланд бўлиши, пулсли босим юқори, хомиладорлик даврига нисбатан озиш ёки вазн йеғмаслик.	Бошланғич тиреотоксикознинг аъломатлари: юрак тез уриши, кўнгил айнаш, қусиш, қизиб кетиш. Одатдагидек аъломатларнинг умуман кузатилмаслиги ёки хомиладорликга мос бўлиши (юрак тез уриши, умумий холсизлик, кўнгил айлаши ва бошқалар,
Эндокрин офталмопатия	50% холатларда	Кузатилмайди
Гормонал текширувлар	ТТГр-АТ ва ТПО-АТ юқори булиши	Юқори булмайти
	Эр.Т4 ва эр Т3 нинг миқдори яққол юқори бўлиши ва ТТГнинг паст бўлиши, хаттоки нўлгача. Эр.Т4ни миқдори қатъий баланд бўлиши ва ТТГ нинг миқдорининг кўтарилиши.	Эр. Т4 ва ТТГ нинг ўзариши натижасидасс (0,1-0,4 мЕ д/л), ХГЧ миқдорининг ошиши (более 100,000 ЕД/л), ТТГнинг миқдори пасайган, лекин нўлдан баланд, эр. Т4 қисман кўтарилган. Кўп хомилали хомиладорликда эр. Т4нинг миқдори кутарилиши мумкин. Вақт ўтиши билан эр. Т4 ва ТТГ миқдори меъёрига келади.

УТТ	Қалқонсимон без туқимасининг ўзгариши. 70 % ҳолатларда ҚБ ўлчами катталашади ва диффуз ўзгаришларга учрайди.	ҚБ тузилиши меъёрда, ўзгаришсиз, лекин 10-15% хомиладорларда йод етишмовчилиги оқибатида диффуз эутиреоид буқоқ учрайди.
-----	--	--

### 9. Тор мутахасислар текшируви

Эндокринолог - беморда ТТГ, эркин Т4, эркин Т3 нинг миқдори узгарганда;

Офтальмолог - офталмопатия аъломатлари кузатилганда;

Невропатолог - неврологик белгилар кузатилганда;

Кардиолог - юрак қон томир системаси узгаришларида

Гепатолог - жигар узгаришларида

Уролог ёки гинеколог - жинсий аъзолар узгаришларида

### 10. Катта ёшдагиларда тиреотоксикознинг клиник аъломатлари.

Катта ёшдагиларда тиреотоксикознинг юрак қон томир системаси асоратларидан фақатгина тахикардия кузатилади, бошқа классик асоратлари кузатилмаслиги мумкин. Лекин бошқа адренергик ўзгаришлар қариш билан боғлиқ бўлади. Хилпилловчи аритмияни пайдо бўлиши юрак қон томир симптомларини юзага чиқишига олиб келиши мумкин, бу юрак етишмовчилиги, перифирик шишлар, нафас қисишига олиб келади.

Теширувларда қон босимининг ошиши билан биргалликда тахикардия кузатилади, бунда систолик босимнинг ошиши ва диастолик босимнинг эса тушишини кўришимиз мумкин. Ёши катталарда артелиар қон босимининг (АҚБ) ошиши томирларнинг эластиклиги билан боғлиқ бўлади. Аускультация қилинганда си столик шовқинни аниқлаш мумкин, бу шовқиннинг асосий сабаби митрал клапаннинг регургитацияси, пралапснинг кучайиши, чап қоринчанинг кенгайиши ёки сўрувчи мушак аппаратининг зараланиши ҳисобланади.

Юрак етишмовчилиги ёки буйракга боғлиқ бўлган ионлар мувозанатининг бузилиши тананинг патки қисмидаги шишлар ёки плеврал бўшлиғида сув йегилиши ва Na миқдорининг ошиб кетишига олиб келади. Кам ҳолатларда юрак етишмовчилиги учиечи охангнинг етивмочилиги ва тунги пароксизмал нафас етишмовчилиги оқибатида келиб чиқади.

Электрокардиографик (ЭКГ) текширув аксарият ҳолларда синусли тахикардияни курсатиши мумкин. 10-15% ҳолларда булмачаларни хилпилловчи ва титровчи аритмияси учрайди, бу вазиятлар купинча кекса ёшдаги беморларда кузатилади. Хилпилловчи аритмияда қоринчалар қисқариш сони купайган бўлади, бу атриовентрикуляр тугундаги импульс ўтказиш хусусияти кучайган сабабли кузатилади. Хилпилловчи аритмия билан аксарият беморларда “тиреотоксикоз” ташхиси қўйилишидан 4-8 ҳафта олдин ритм бузилишлари бўлган. Кекса беморларда, анамнезида бошқа юрак кассаликларида чалинган юрак ритмини тугирланиш имконияти камрок. Митрал клапанни ёки чап бўлмачани анатомик ўзгаришлари ҳам эутиреоз ҳолатига эришилганда ҳам ритм тугирланмаслиги уз хиссасини қўшади. Шуларни

хисобга олиб, касалликни эрта дариди беморда хавф омиллари бўлганида (даволашдан олдин эрТ4 баланд даражада бўлганида, 60 ёшдан катталарда, эркаларда, юрак-қон томир касалликлари бўлганида (АГ, хилпилловчи аритмия), бемор комплаентсизлигида ва 18 ой консерватив даво самарадорсизлигида РЙТ ёки жарроҳлик усуллар қўлланилиши тавсия этилади.

Хилпилловчи аритмияни умумий таҳлил қилинганда унда 5% яққол ёки субклиник тиреотоксикозга тўғри келиши аниқланган. Хилпилловчи аритмияни ривожланиши - бу тромбоземболик ҳолатлар ва инсултни асоси деб хисобланади. Бўлмачалар титраши ва бошқа суправентрикуляр тахиаритмиялар (пароксизмал бўлмачалар тахикардиясини хисобга олганда) тиреотоксикоз жуда кам учрайди. Қоринчалар фибрилляцияси ва тахикардияси деярли учрамайди.

## **11. Даволаш усуллари:**

### **Консерватив даво:**

1. Метимазол (мерказолил, тирозол) эндоген гипертиреоз ҳамма ҳолатларида (хомиладорликни 1-триместридан ташқари - бу даврда пропилтиоурацил тавсия этилади), тиреоид криз ва беморлар РЙТ ва тиреоидэктомияни рад этган ҳолатларда қўлланилади.  
Консерватив даво метимазол 30 мг/кун (10 мг дан 3 маҳал овқатдан сўнг) дозасидан бошланади, 1 ой ўтгач ТТГ назорати остида доза камайтирилади, 5-10 мг дан ТТГни кескин ёки аста секин кўтарилишига қараб. Эутиреоз ҳолатига етилганда метимазол дозаси 30-50% га камайтирилади. Минимал дозада эутиреоз даражасига етилганда шу даврдан бошлаб 18 ой шу дозани қабул қилган ҳолда ҳар 2-3 ойда тиреоид статус текширилган ҳолда олиб борилади. Консерватив даводаги беморлар тиреостатикларни ноҳўя таъсирлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак ва шифокорга қичма тошма, аҳолик ахлат ёки тўқ сийдик, сариклик, артралгия, абдоминал огриқлар, кўнгил айниш, бўшашиш, иситма ёки фарингит ҳолатлари кузатилганда мурожаат қилиши керак.
2. β-адреноблокаторлар – тиреотоксикозни ҳамма ҳолатларида қўлланилиши мумкин. Пропранолол (20-40 мг ҳар 6 соатда) ёки узоқ муддат таъсир кўрсатувчи β-блокаторлар (биспролол/атенолол) адренергик симптомларни (юракни тез-тез уриши, термор) назорат қилишда, айниқса тиреостатиклар эрта даврда таъсирини кўрсатишни бошламаганда самарадор. Пропранолол юқори дозада (40мг кунига 4 маҳал) Т4ни Т3 га периферик конверсиясини тўхтатади. Юқори кардиопротектив таъсирга эга ва хилпилловчи аритмияни олдини олишда кучлироқ кардиоселектив бета-блокаторлар алтернатив танлов сифатида қўлланилиши мумкин, айниқса астма билан беморларда. Хилпилловчи аритмия билан беморларда варфарин ёки бевосита антикоагулянт қўлланилиши кўриб чиқилиши керак.

### **Нур билан даволаш (радиойодтерапия):**

РЙТ вақтинчалик тиреотоксикоз симптомларини кучайтириши сабабли уни ўтказилишидан олдин беморларга адренергик симптомлар бўлмаган

холда ҳам  $\beta$ -блокаторлар тавсия этилади (айниқса кекса ва ёндош касалликлар билан беморларда). Метимазол гипертиреознинг асоратларини юқори хавф гуруҳига кирадиган беморларга РЙТдан олдин тавсия этилиши мумкин. РЙТ ўтказилишидан 2-3 кун олдин дори бекор қилинади. Юқорида айтиб ўтилган тиреотоксикоз асоратларини хавф гуруҳига кирувчи беморларда метимазол РЙТдан 3-7 кун ўтгач давом этилади.

РЙТ дан олдин ҳомиладорлик мавжуд эмаслиги тасдиқлаб олинади ва барча ёндош касалликлар даволанади ёки компенсация ҳолатига келтирилади. Фаол эндокрин офтальмопатия фаолсиз фазага ўтказилади (масалан, дексаметазон 0.4% 1 мл 100 мл да 0.9% физиологик эритмада 10 кун в/и томчилаб). Беморга радиоактив йод бирикмаси - NaI-131 стандарт 400 МБк дозасида ичишга буюрилади. Беморда даволашдан сўнг кузатиладиган ножўя таъсир бу сўлак безларини транзитор дисфункцияси – бу вақтинчалик оғизда қуриш билан кузатилиши мумкин – беморга лимон суви ёки сақич чайнаб туриш тавсия этилади. Беморга радиоҳавфсизлик қондарали батафсил ва ёзма шаклда тушунтириб берилади.

Бемор назорат учун 2-3 ой ўтгач кўриққа келади, ТТГ, эрТ4 ва умТ3 текширилади. Бемор 6 ой давомида 4-6 ҳафта интервали билан ёки гипотиреоз ҳолати бўлмагунча кузатувда бўлади. Кейинчалик камида 1 йилда 1 маротаба гормонал текширувлар олиб борилади. бой давомида гипертиреоз сақланиб турса қайта РЙТ ўтказилади.

### **Жаррохлик усули:**

Оператив даводан олдин бемор эутиреоз ҳолатига етказилиши керак. 1 ой олдин 10 томчи/кун Люголь эритмаси (ҚБда қон айланишини, васкуляризацияни ва оператив амалиёт даврида қон йўқотишини камайтиради) тайинланади. Витамин D ва калций миқдори аниқланиб нормага келтирилади. Жаррохлик амалиётини танлов усули – тотал ёки субтотал тиреоидэктомия. Бу амалиётларни юқори малакали жаррох бажариши керак. Операциядан сўнг калций миқдори назорат қилинади – шунга кўра калций ёки кальцитриол тайинланади. Метимазол жаррохлик амалиёт даврида тўхтатилади ва операциядан сўнг бета-блокаторлар бекор қилинади. Левотироксин 1.6мкг/кг дозада, кекса ёшдаги беморларга нисбатан камроқ дозада буюрилади. ТТГ 6-8 ҳафтада назорат қилинади, эутиреозга етгандан сўнг камида 1 йилда 1 маротаба.

## Грейвс касаллигининг клиник тавсияларга ишланган ЙУЛ ХАРИТАСИ

1-Босқич (умумий амалиёт шифокори, терапевт, офтальмолог, кардиолог, гинеколог, уролог, невропатолог)

### *Асосий шикоятлари:*

- юрак тез уриши;
- терлаш;

### ХОВЛИҚИШ

- уйкусизлик;
- соч тукилиши;
- куз олмасининг чикиши;
- бутун тананинг титраши;
- хаво етишмовчилиги;
- жисмоний зуриқиш;
- иссиқдаги бардошсизлик;
- озиб кетиш;
- холсизлик;
- йиглокилик;
- асабийлик;
- мушаклардаги зуриқиш;
- қорин тез очиши;
- ич тез келиши;
- қалконсимон без катталашиши;
- бепуштлик;
- либидонинг пасайиши;
- хайз қуришнинг бузилиши

### *Физикал белгилар:*

- тахикардия
- тер намлиги
- экзофтальм
- аритмиялар
- кенг пульс босими
- қалконсимон без катталашиши
- қўл бармоқлар тремори
- тиреотоксикоздаги кўз симптомлари
- гипертермия
- психозлар
- тана вазни етишмовчилиги
- гепатомегалия

Тиреотоксикозга хос бўлган қатор клиник белгилар аниқланганда беморга эндокринолог қуриги тавсия этилади

## **2-Боскич-эндокринолог куриги (КТТМ)**

### *Клиник текширувлар:*

- антропометрия
- термометрия
- тери, тирноқлар ва сочларни кўздан кечириш
- артериал қон босимини, пулсни ўлчаш
- ҚБни пайпаслаш (1-жадвал)

### *Лаборатор текширувлар:*

- Умумий қон таҳлили;
- Умумий сийдик таҳлили
- Липид спектр
- Кальций, ишқорий фосфатаза, глюкоза;
- АЛТ, АСТ
- ТТГ, эрТ4, эрТ3, умТ3

### *Инструментал текширувлар:*

- ҚБ УТТси
- Ўпка ретгенографияси
- ЭКГ

### *Тор мутахассислар кўриги:*

- Офтальмолог
- Невропатолог

- III категория – ноник атипия белгилари (цитологик текширув натижасини баҳолашдаги мураккаб булган ҳолатлар);
- IV категория – фолликуляр неоплазия ёки фолликуляр неоплазияга гумон булган ҳолат;
- V категория – хавфли усмага шубҳа булган ҳолат (папилляр, медуляр саратонга шубҳа, метастатик карцинома ва лимфомага шубҳа);

- VI категория – хавфли усма (папилляр усма, кам дифференцияллашган усма, медулляр усма, анапластик усма).

Тугун ёки тугунлар хақидаги маълумот цитологик текширув натижасида аникланилади.

### **Молекуляр – генетик текширув**

BethesdaThyroidClassification (2009) буйича аникланилган 1-2-3 категорияга мансуб булган КБС киёсий ташхислаш учун BRAF ва бошқа маркерлар (RAS, RET/PTC, PAX8/PPAR- $\gamma$ , TERT) аникланилади. Хозирги кунда бу усулни куллашга турли хил тусиклар мавжуд.

### **Компьютер томография**

Буйин ва кукрак кафаси компьютер томографияси (КТ) учун курсатма:

- зич ва харакатсиз тугунлар;
- усманинг экстратиреоид таркалиши мавжуд булган холатлар (дисфония, дисфагия, диспноэ);
- усма улчамлари Т3–Т4;
- УТТ да усмага шубха ва усма таркалиши хавфи мавжуд булган холатларда;
- УТТ да регионар лимфатик тугунларда узгаришлар аникланилагн булса. Магнит-резонанс томография (МРТ) ва 18 ФДГ-ПЭТ индивидуал курсатма булган холатларда буюрилади.

Буйин-кукрак кисмида метастатик жараёнда энг тугри усул УЗИ + ТАБ + КТ булиб хисобланади.

### **Хомиладорларда тугунли букок ва калконсимон без усмаси**

- Хомиладорликнинг 16 хафтасидан сунг тугунли букокда ТТГ нормал даражада булганда ИАБ тугрукдан кейинга колдирилади. Агар ТТГ микдори пасайиб кетса, кукрак сути билан эмизишни тухтатиб турган холда калконсион без скинтиграфиясини утказиш мумкин .
- Хомиладорларда кальцитонин микдорини аниклаш клиник ахамиятга эга эмас. Экспертлар гурухи тугунли букокода кальцитонин микдорини аниклашга бир ник фикрга келмаганлар.
- Биринчи бор аникланган тугунли букокода ИАБ курсатма булиб хисобланади, агар ТТГ паст булган холатларда. УТТ тахлилига кура ИАБ курсатма булади. ИАБ утказиш КБС хавфлилик даражаси ва бемор истатистикага караб утказилади.
- Хомиладорлик пайтида скинтиграфия ва йод камраб олиш хусусиятини аниклаш маън этилади.
- Агар хомиладор аёлда хавфсиз тугунли букоко аникланилса, махсус характлар бажарилмайди ва АТА коидасига кура кузатувга олинади.
- Тугунли букокда оралик тахлиллар олинганда (фолликуляр неоплазия) ва аник метастатик жараёнлар аникланилмаганда хомиладорлик патийида оперетив даво утказишга курсатма йук.
- Агар фолликуляр неоплазияда жараён агрессив холатда булса, хомиладорлик пайтида оперетив даво утказилиши мумкин.

- Фолликуляр неоплазияда молекуляр-генетик тахлиллар утқишгу курсатма йук.
- Хомилаликнинг бошлангич пайтида КБ папилляр саратони аникланилса УТТ мониторинг утқиш лозим. Агар хомиладорликнинг 24-26 хафталарида КБС агрессив усиши ва буйин лимфатик тугунларига метастаз берса опретив даво утқазилиш мумкин. Агар КБС стабил холатда булса ва хатто папилляр КБС аникланилган булса хам оператив даво тугрукдан сунг амалга оширилиши мумкин.
- Хомиладорларда медуляр ва анапластик КБ кечиши ва асоратлари хакида маълумот йук. Лекин бкндай холатларда давони кейинга суриб куйиш салбий натижа бериши мумкин. Беморнинг клиник холатидан келиб чиккан холатда оператив даво тавсия килиниши мумкин.
- ТГ микдорини хар 4 хафтада 16-20 хафталикгача ва 26-32 хафталар оралигида 1 марта аниклаш лозим
- Радиактив йод билан даволанилгандан сунг хомиладор булишни 6 ойдан сунг режалаштириш лозми.
- Анамнезда КБС дифференциаллшган саратони булган ва ТГ аникланилмаган хомиладорларда ижобий биокимёвий тахлил натижалари аникланилган булса, ТГ ва УТТ утқиш шарт эмас.
- Агар шундай хомиладор аёлларда нотулик биокимёвий ремиссий натижалари аникланилган булса, ТГ ва УТТ утқиш лозим.
- КБ папилляр саратони билан диспансер назоратда булган ёки илк аникланилган хомиладор аёлларда хар 3 ойда КБ УТТ утқазилиши лозим.

### **Дифференциал диагностика**

- Токсическая аденома
- Атипиясиз тугунли ёки куп тугунли буккок
- Буйин сохаси усмалари

**Даволаш:** Халқаро цитологик таснифнинг (Bethesda Thyroid Classification, 2009) 4-5-6 категориялари хулосаси оператив даво муолажаларига курсатма булиб хсобланади. 3 – категорияда усма морфологияси аник булмаган холатда, кайтадан ИАБ оркали текширув утқазиб, оператив давога курсатма аниклаштирилади.

Цитологик текширувларнинг натижалари 3-4 категорияларга мансуб тахлилларда бемор билан келишган холатда молекулярно-генетик текширувлар утқазилиш мумкин. Бу шифокорга ЮДКБС хакида кушимча мухим маълумотларни бериши мумкин.

Оператив давони бирламчи кулами махсус тиббиёт марказларида аникланилади. Асосий якуний оператив даво эса гистологик тахлиллар натижасида белгиланилади.

4 см дан катта булган ёки яккол экстратиреоид инвазияга эга булган (клиник Т4), клиник яккол метастазлари мавжуд булган (N1) ёки узок метастазлари мавжуд булган (M1) холатларда тиреоидэктомия амалиёти ёрдаида усма тукмасини максимал равишда олиб ташлашга курсатма булади.

1 – 4 см гача булган, экстратиреоид инвазияга эга булмаган ва/ёки метастатик лимфатик тугунлар (N0) булган ҳолатда тиреоидэктомия ёки гемитиреоидэктомия амалиёти утказилиши мумкин. Гемитиреоидэктомия – папилляр усмада оилавий анамнезга эга булмаган ва кам инвазив ҳолатларда утказилиш мумкин.

### **Буйин лимфатик тугунларда жаррохлик амалиёти**

5-категорияга мансуб усмаларда гоперацияга қадар ёки операция пайтида лимфатик тугунларда метастазлар (N1) аниқланган булса марказий майдондан лимфатик тугунлар олиб ташланади.

Куйидаги ҳолатларда профилактик мақсадда марказий лимфаденэктомия (МЛАЭ) амалиёти утказилади (VI даража, ипси- ёки билатераль):

- бирламчи усмани кенг тарқалган шакли (T3 ёки T4);
- операциягача булган даврда буйин ён клеткаси лимфатик тугунларда метастатик узғаришлар аниқланган булса (N1b).

Профилактик МЛАЭ 2 см дан кичик булган усмаларда асоратлар хавфини оширади, улим хавфига таъсир қилмайди, лекин рецидивлар ривожланиши эҳтимolini камайтиради.

Купгина экспертлар бу муолажага қарши. Экспертларнинг ярми 50 ёшдан кичик булган беморларга РЙТ утказиш лозимлигини таъкидлашади (микрметастазлар хавфи юқори булгани учун).

ИАБ ёрдамида лимфатик тугунларга метастатик жараён аниқланилган 2-4 категорияли усмаларда фасциал-клетчатка туқималарини олиб ташлаш амалиёти қулланилади. Бундай ҳолатда факатгина метастатик шикастланган лимфатик тугунларни футляр-фасциал олиб ташлаш амалиёти бажариш мумкин эмас.

### **ЮДКБС ни оператив амалиётдан кейинги рецидивларини старификацияси**

ЮДКБС оператив амалиётдан кейинги рецидивларини AJCC/UICC TNM таснифи буйича баҳолаш ҳозирги кунда кейинги даволаш ва кузатиш принципларига тугри келмаганлиги учун қулланилмайди.

### **AJCC/UICC TNM куйидаги талабларга жавоб бермайди:**

- усманинг гистологик тури;
- буйин ва бошқа жойларга тарқалган метастатик учокларни улчами ва жойлашган жойи;
- метастазларнинг функционал ҳолати (131 I- ёки ФДГ-ПЭТ ёрдамида аниқланилади);
- даволашнинг самарадорлиги (хирургик резекция, 131-I туқланиши);
- молекуляр таҳлиллар натижалари (BRAFV600E, TERT, TP53);
- операциядан кейинги ТГ микдори.

ЮДКБС ни оператив амалиётдан кейинги рецидивларини АТА 2015 буйича баҳоланилади. Бунда 3 гуруҳ фарқланади: юқори, оралик ва паст хавф гуруҳлари.

### **Паст хавф гурухи:**

- Калконсимон без папилляр саратони (КБПС):
  - региона рва узок метастатик шикстланишлари булмаган шакли;
  - усма тукумасининг барча макроскопик кисми олиб ташланган холати;
  - экстратиреоид инвазининг йуклиги;
  - кон томир инвазининг йуклиги;
  - ноагрессив гистологик шакли;
  - 131 I утказилган дастлабки сцинтиграфияда метастатик цчокларнинг йуклиги.
- N0 ёки N1 даражада 5 дан кам булган лимфатик тугунларнинг микрометастатик шикастланиши (лимфатик тугунларнинг улчами <0,2 см).
- Интратиреоидный, ЮДКБС фолликуляр капсуляр инвазияси ёки инвазиясиз, ёки минимал кон томир инвазияси билан (<4 учок).
- Интратиреоид папилляр микрокарцинома, унифокаль ёки мультифокаль шакли (BRAFV600E мутациясидан катъий назар).

### **Оралик хавф гурухи**

- Агрессив гистологик шакли.
- Интратиреоид папилляр саратон <4 см, BRAFV600E мутацияси.
- N1 ёки N2 5 дан куп лимфатик тугунларнинг макрометастазлари (лимфатик тугунлар улчами <3,0 см).
- Микроскопик экстратиреоид инвазия.
- Папилляр саратон кон томир инвазияси билан.
- Мультифокаль папилляр микрокарцинома микроскопик экстратиреоид инвазияси билан, BRAFV600E мутацияси.
- дастлабки 131 I билан сцинтиграфияда метастатик учокларнинг мавжудлиги.

### **Юкори хавф гурухи**

- Резидуаль усма.
- Опухоль при сочетании индуцирующих агрессивное течение мутаций (TERT ± BRAF).
- N1 даражадаги лимфатик тугунларда метастатик учоклар >3 см улчамда.
- Макроскопик экстратиреоид инвазия.
- кенг инвазив фолликуляр саратон (>4 учоклар).
- аникланилган узок метастазлар.
- узок метастазлардан далолат берувчи конда ТГ концентрациясини юкорилиги.

Агар бемор оралик ва юкори хавф гурухига мансуб булса, беморни РЙТ амалиётига тайёрланилади.

### **Радиоактив йод билан даволаш (РЙТ)**

РЙТ 2 хафта мобайнида йод кам сакловчи диета остида бажарилади. Бунда ТТГ микдори 30 мЕд/л дан юкори булиши керак. Бунинг учун 4 хафта мобайнида левотироксин кабул килиш тухтатилади ёки рекомбинант одам ТТГ юборилади.

РЙТ дан 4 hafta олдин левотироксин кабул килишни тухтатиш лозим. РЙТ утазиш учун ТТГ 30 мЕд/л дан юкори булиши лозим.

**РЙТ амалиётини утказишга тайёрлаш даврида рекомбинант одам ТТГ ни куллашда булиши мумкин булган натижалар:**

- паст ва оралик хавф гурухига мансуб беморларда (Т1–Т3, N0/Nx/N1a, M0) турли асоратларни олдини олиш максидида;
- оралик хавф гурухига мансуб беморлар левотироксин урнига кабул килиши мукин.
- юкори хавф гурухига мансуб булган беморларда левотироксин кабул килиниши тухтатилганда ТТГ микдорини ортиши касалликни зураишига олиб келади;
- турли хавф гурухларига мансуб булган беморларда огир гипотиреоз ёндош соматик ва рухий касалликларни декомпенсациясига сабаб булса.

РЙТ колдик калконсимон без тукумаси ва метастатик учокларни парчалаш қобилиятига эга. Оралик ва хавф гурухига мансуб беморларда ривожланиши мумкин булган асоратларни олдини олади. РЙТ дан сунг утказилган бутун тана сцинтиграфиясида ЮДКБС метастатик учокларни аниклаш имкони бор.

Агар паст хавф гурухидаги беморларда улим хавфи мавжуд булмаса РЙТ утказилмайди.

РЙТ оралик юкори хавф гурухларига мансуб беморлар учун улим ва бошка асоратларни камайтириш максидида буюрилади, лекин хар бир беморга индивидуал тарзда доза микдори белгиланилади. Оралик хавф гурухидаги беморлар учун 30 мКи, юкори хавф гурухидаги беморлар учун 30 - 150 мКи доза белгиланилади.

**Операция амалиётдан кейинги хавф гурухларини баҳолаш**

Маълум бир хавф гурухига мансуб булган бемор доимий равишда шу гурухга мансуб булавермайди, уларни даволаш мобайнида динамик равишда кузатиб борилади. Бу беморларни индивидуал равишда кузатишга, иктисодий сарф харажатларни ва касалик асоратларини олдини олишга сабаб булади. Утказилган даволаш натижаларига кура беморларни куйидаги 4 гурухга ажратиш мумкин.

**I. Биохимикремиссия(асоратлар 1–4%):**

- УТТ, СВТ, КТ коникарли натижалар;
- стимуляция килинмаган ТГ 0,2 нг/мл дан паст;
- стимуляцияланган ТГ 1,0 нг/мл дан паст.

**II. Биохимик рецидив:**

- УТТ, СВТ, КТ коникарли натижалар;
- стимуляция килинмаган ТГ 1,0 нг/мл дан юкори;
- стимуляцияланган ТГ 10 нг/мл дан юкори;
- АТ-ТГ.

Ушбу гурухга мансуб булган беморларнинг 30% да биохимик курсаткичлар спонтан равишда пасайиб кетади, 20% беморларда кушимча РЙТ

утказилгандан сунг ремиссия кузатилади, яна 20% беморларда структур рецидивлар кузатилади.

Калконсимон без саратони билан боглик булган улим хавфи <1%. Кондаги ТГ микдори стабил равишда сакланиб турса ёки камайса хам бундай беморлар доим назоратда булишлари лозим. Алохида карши курсатмалар булмаган холатда ТТГ супрессия килинади. ТГ ёки АТ-ТГ ортиши кузатилса, беморни кайтадан чукур текшириб, кушимча РЙТ утказишга тайёрлаш лозим.

Оралик хавф гурухига мансуб булган беморларда биохимик ремиссия ва биохимик рецидив холатлар учун ноаник усма статуси боскичи белгиланган.

### III. ноаник усма статуси:

- манфий ёки номахсус УТТ, СВТ, КТ натижалари;
- ТГ микдори стимуляция килинмаган холатда 0,2 дан юкори, лекин 1,0 нг/мл дан паст;
- ТГ микдори стимуляция килингандан сунг 1,0 дан баланд, лекин 10 нг/мл дан паст;
- АТ-ТГ микдори стабил ёки пасайган.

Номахсус белгилар узок сакланиши ёки йуколиб кетиши мукин, бунда биохимик рецидив гурухига нисбатан структур рецидивлар кам учрайди (15–20%), специфик улим хавфи <1%. Шундай булишига карамасдан доимий равишда кузатув олиб борилиши лозим. Шубха булган холатларда кушимча текшириш усулларива ИАБ утказилиши мумкин.

### IV. Структур рецидив:

- ТГ ва/ёки АТ-ТГ исталган микдорда булган холатда усманинг структур ва функционал узгаришлари.

Кутилаётган натижа: кушимча даволаш муолажаларига карамасдан беморларнинг 50–60% персистенция сакланиб қолади. Калкрнсимон безнинг буйин сохасига метастазларида улим хавфи 11%, узок метастазларда эса 50% ташкил килади. Усма улчамлари, жойлашган жойи, шикастлаган сохаси, усиш тезлиги, 131 I ёки 18 ФДГ камраб олиш хусусиятларига кура даволаш тактикаси турлича булади.

### Левотироксин билан даволаш

Тиреоид гормонлар билан урин босиш терапияси послеоперацион гипотиреозни олдини олиш учун кулланилади. Супрессив терапия эса ТТГ га боглик тукималарни камайтириш учун кулланилади. Бундай холатларда танлов препарати левотироксин булиб хисобланади.

Паст хавф гурухи ва биохимик ремиссия гурухларида левотироксин билан супрессив терапия утказилмайди. Бундай холатда урин босиш терапияси утказилади.

Оралик хавф гурухи, биохимик рецидив ва ноаник усма статуси гурухларида куйидагилар бажарилади:

- супрессив терапия;
- тахикардия ва менопаузада юмшок супрессив терапия утказилади;

- 60 ёшдан катта булган беморларда булмача фибрилляцияси ва остеопороз кузатилган ҳолатларда урин босиш терапияси утказилади.

Юкори хавф гуруҳи ва структур рецидив гуруҳидаги беморларга супрессив терапия утказиш мумкин, агар ушбу гуруҳидаги беморларда булмачалар фибрилляцияси мавжуд супрессив терапия юмшок тарзда олиб борилади.

#### **Турли даволаш усуллари пайтида ТТГ ни мақсадли курсаткичлари**

- Супрессив терапия – ТТГ <0,1 мЕд/л, св.Т4 юкори норма чегарасигача.
- Юмшок супрессия – ТТГ 0,1–0,5 мЕд/л.
- Урин босиш терапия – ТТГ 0,5–2 мЕд/л.

Махсус клиникаларда бемор умрининг охиригача тиббий куриқдан утиб туриши шарт. Беморларни онкологик руйхатга олиш лозим.

Тиреоглобулин (ТГ) ва тиреоглобулинга антителани (АТ-ТГ) аниқлаш

Касалликни кузатиш мобайнида энг махсус курсаткич бу ТГ аниқлаш ҳисобланади. Конда АТ-ТГ мавжудлиги текширилган ТГ микдори нотугригидан далолат беради. ТГ ни махсус иммунорадиометрик таҳлил орқали текшириш лозим.

#### **Тиреоглобулин ва тиреоглобулинга антителани аниқлаш**

Тиреоцитлар хақида аниқ маълумот берадиган махсус текширув бу тиреоглобулин микдорини аниқлашдир (шунингдек оператив муолажадан сунг папилляр ва фолликуляр усма хужайралари хақида маълумот олиш мумкин).

Агар конда АТ-ТГ микдори нормадан юкори булса, ТГ микдори нотугри эканлигидан далолат беради. ТГ микдори иммунорадиометриктаҳлил орқали текширилади (функционал сезгирлик даражаси 0,2 нг/мл).

#### **Жаррохлик амалиётидан сунг УТТ**

Жаррохлик амалиётидан 6-12 ой утгач хавф гуруҳлари ва ТГ микдорига караб УТТ утказилиши мумкин. Агар гумондор 0,8-1,0 см лимфатик тугунлар аниқланилса, мулжалли ИАБ утказилиб, биоматериалдан ТГ микдори ҳам текширилади. Агар кичик улчамдаги лимфатик тугунлар аниқланилса, динамик назоратга олиниб, кузатув мобайнида катталашмаса, паст хавф гуруҳига олинади.

#### **Бутун тана сцинтиграфияси:**

РЙТ дан сунг биохим ик ремиссияда булган беморларга бутун тана сцинтиграфияси утказиш шарт эмас. Лекин РЙТ дан 6-12 ойдан сунг оралик ва юкори хавф гуруҳига мансуб булган беморларга утказилади.

## Калконсимон безнинг дифференцияллашган саратонини клиник тавсияларга ишланган ЙУЛ ХАРИТАСИ

### 1 – Боскич (умумий амалиёт врачлари, терапевт, умумий хирург)

Асосий шикоятлар:

КБС охирига пайтда кенг тарқалаётганлини инобатга олиб, яқка ёки куплаб тугунли буқок билан хасталанган беморлардаги куйидаги шикоятларга жиддий ахамият бериш лозим - кулок олди соҳасига узатилиши мумкин булган буйин соҳасида тумток огриклар, ютишга кийналиш, томокда нарса турганлик хисси, овоз узгариши, шамоллаш екир аллегррия билан боглик булмаган йутал, хансираш ва нафасолишга кийинлик, буйин веналарининг буртиши. Махаллий тиббиёт муасасида умумий кон тахлили, кондаги канд микдори, ЭКГ ва УТТ текширувини утказиш мумкин.

Куйидаги 2 ва 3 белгилар булса, беморда калконсимон беzi ракига шубха тугилиб, уни тор мутахасис куригига юборилади:

- Калконсимон безда каттик тугун булиши
- Тугун нотугри шаклда ва камхаракатсиз
- Лимфатугунларини катталашиши
- Овоз хириллаши
- Оилавий анамнез
- Буйин веналарининг буртиши

Бемор руйхатга олинади ва йуланма оркали вилоят Эндокринология диспансерига эндокрин жаррох куригига юборилади.

### 2 – Боскич эндокрин жаррох куриги(ОП, ТТБ, ВЭД)

Куйидаги текширув усулларини утказиш лозим: биокимёвий тахлиллар, ТТГ, свТ4, АТ-ТПО, коагулограмма, кон гурухи; инструментал тахлиллар - ЭКГ, калконсимон без ва буйин лимфа тугунлари УТТ, буйин ва курак кафаси МРТ ва рентгенографияси, ТАБ, невропатолог, эндокрин жаррох, анестезиолог ва лор шифокор куриги.

Утказилган УТТ тахлилида – яқка тартибдаги ёки куплаб тугунларнинг мавжудлиги, тугунларнинг кон билан яхши таъминланганлиги, тугунлар малигнизацияси, контури нотекис ва ноаник тугунлар, регионар лимфатик тугунларнинг катталашиши ва ТАБ тахлиллари – фолликуляр еки папилляр карцинома хужайраларини аникланишига шубха булганда беморга режали тарзда оператив даво утказиш тавсия этилади. Оператив даво утгандан сунг гистология хулосасига кура, фолликуляр, папилляр ва фолликуло-папилляр аралаш карцинома ташхисли беморларни РИЭИАТМ марказига радиодтерапия амалиёти учун йуланма билан юборилади.

Агар беморда медуляр карциномага еки куплаб бошка онкологик касалликларга шубха булса, беморни вилоят ёки республика онкология марказига онколог куригига юборилади.

### 3– Боскич эндокрин хирург куриги (РИЭИАТМ)

Йулланма билан келган дифференцилашган КБС (фолликуляр, папилляр ва фолликуло-папилляр аралаш карцинома) ташхисли беморлар Эндокринология марказида куйидаги махсус текширувлар утказилади – онко-маркерлар: ТГ, АТ-ТГ, Са-123, Са-153; калконсимон бездаги тугунлар УТТ назоратида остида ингичка игнали биопсия, калконсимон без сцинтиграфияси (метастазлар булганда бутун тана сцинтиграфияси) курсатма буганда СПЕКТ/КТ тиббий ускунада текшириш. Тахлил натижаларини жамлаган холта бемор учун радиодтерапия утказиш учун режа тузилади. Беморнинг узига эса бу амалиёт тугрисида кенг тушунча берилиши лозим булади.

#### **РИЭИАТМ даражасида Юкори дифференциаллашган калконсимон без саратони ташхиси билан даволаниб чиккан беморларни йул харитаси:**

РЙТ утказилган беморлар 3 ойдан сунг РИЭИАТМ кайта муружаат килиб, куйидаги текширувлардан утишлари лозим:

- Конда ТТГ (максадли курсаткич 0,17-1,0 мМЕ/л гача);
- ТГ (максадли курсаткич 50 МЕ/мл гача);
- Анти ТГ (максадли курсаткич 30 МЕ/мл гача);
- РЕА (максадли курсаткич  $1,58 \pm 1,025$  нг/мл гача);
- Буйин сохаси ва лимфатик тугунлари УТТ (максадли курсаткич УТТ да колдик тукуманинг аникланилмаслиги, лимфатик тугунларнинг катталашмаганлиги, лимфоаденопатия ва лимфатик тугунларга метастазни инкор килиш);
- Буйин сохаси Тс99 билан Сцинтиграфияси (максадли курсаткич Колдик тукума ёки радиоактив изотоп йигилиш изларини булмаслиги); (Юкорида санаб утилган максадли курсаткичлар Радиоиммун текширувлари нормал курсаткичларига тугри келади).

Кейинги тиббий курик 6 ойдан сунг РИЭИАТМ филиаллари шароитида утказилади:

- Конда ТТГ;
- ТГ;
- Анти ТГ;
- РЕА;
- Буйин сохаси ва лимфатик тугунлари УТТ;
- Буйин сохаси Тс99 билан Сцинтиграфияси;

Навбатдаги тиббий курик 1 йилдан сунг РИЭИАТМ филиаллари шароитида амалга оширилади:

- Конда ТТГ;
- ТГ;
- Анти ТГ;
- РЕА;
- Буйин сохаси ва лимфатик тугунлари УТТ;
- Буйин сохаси Тс99 билан Сцинтиграфияси;

Беморда барча тиббий таҳлиллар ва лаборатор курсаткичлар максадли курсаткичларга тугри келса, бемор хар 1 йилда 1 маротаба РИЭИАТМ да тиббий куриқдан утиб туриши лозим булади.

### *Адабиётлар*

1. Румянцев П.О., Ильин А.А., Румянцева У.В., Саенко В.А. Рак щитовидной железы: Современные подходы к диагностике и лечению – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2009. – 448 с.
2. Каприн А.Д., Старинский В.В. Злокачественные новообразования в России в 2015 году (заболеваемость и смертность) – М.: МНИОИ им. П.А. Герцена - филиал ФГБУ «НМИРЦ» Минздрава России, 2017., с.33, 151.
3. Бельцевич Д.Г., Ванушко В.Э., Румянцев П.О. и др. Российские клинические рекомендации по диагностике и лечению высокодифференцированного рака щитовидной железы у взрослых - Эндокринная хирургия №1 (11) 2017, стр. 6-27.
4. Диагностика и лечение медуллярного рака щитовидной железы. Национальные клинические рекомендации. – Опухоли головы и шеи – 2013 – N4 – 36-45.
5. Алиева С.Б., Алымов Ю.В., Кропотов М.А., Мудунов А.М., Подвизников С.О. Рак щитовидной железы. Онкология. Клинические рекомендации / Под ред. М.И. Давыдова. – М.: Издательская группа РОНЦ, 2015., стр. 538-547
6. Матякин Е.Г., Подвизников С.О. Опухоли щитовидной железы. Онкология: Справочник практикующего врача / Под ред. чл.-корр. И.В. Поддубной. – М.: МЕДпресс-информ, 2009., стр.177-185
7. Бржезовский В.Ж.. Опухоли щитовидной железы. Опухоли головы и шеи: рук / А.И. Пачес. – 5-е изд., доп. и перераб. – М.: Практическая медицина, 2013., стр. 339-359
8. Злокачественные опухоли головы и шеи. под ред. Бржезовского В.Ж., Подвизникова С.О., Мудунова А.М. Клинические рекомендации по лечению опухолей головы и шеи Общенациональной онкологической сети (США) – М.: ООО «АБВ-пресс», 2011.
9. Онкология. Клинические рекомендации / Под ред. Чиссова В.И. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2006. стр. 125-139.
10. Собин Л.Х., Господарович М., Виттекинд К.. TNM. Классификация злокачественных опухолей.- 7-е издание – М.: Логосфера, 2011, стр. 45-49.
11. NCCN Clinical Practice Guidelines in Oncology (NCCN Guidelines®). Thyroid Carcinoma. Version 1.2016.
12. The American Thyroid Association Guidelines Taskforce: David S. Cooper, Gerard M. Doherty, Bryan R. Haugen, Richard T. Kloos, Stephanie L. Lee, Susan J. Mandel, Ernest L. Mazzaferri, Bryan McIver, Steven I. Sherman, R. Michael // THYROID. 2006. V. 16. N 2. P. 1–33.
13. Cooper DS, Doherty GM, Haugen BR et al. The American Thyroid Association Guidelines Taskforce Management guidelines for patients with thyroid nodules and differentiated thyroid cancer. Thyroid 2006; 16: 109–142.
14. Elisei R, Bottici V, Luchetti F et al. Impact of routine measurement of serum calcitonin on the diagnosis and outcome of medullary thyroid cancer: experience in 10,864 patients with nodular thyroid disorders. J Clin Endocrinol Metab 2004; 89: 163–168.
15. Schlumberger M, Borget I, De Pourvoirville G et al. Recombinant human thyroidstimulating hormone:use in papillary and follicular thyroid cancer. Horm Res 2007; 67 (Suppl 1): 132–142.

16. Pacini F, Capezzone M, Elisei R et al. Diagnostic <sup>131</sup>-iodine whole-body scan may be avoided in thyroid cancer patients who have undetectable stimulated serum Tg levels after initial treatment. *J Clin EndocrinolMetab* 2002; 87: 1499–1501.
17. Schlumberger M, Hitzel A, Toubert ME et al. Comparison of seven serum thyroglobulin assays in the follow-up of papillary and follicular thyroid cancer patients. *J Clin Endocrinol Metab* 2007; 92:2487–2495.
18. Pacini F, Cetani F, Miccoli P et al. Outcome of 309 patients with metastatic differentiated thyroid carcinoma treated with radioiodine. *World J Surg* 1994; 18: 600–604.
19. Durante C, Haddy N, Baudin E et al. Long-term outcome of 444 patients with distant metastases from papillary and follicular thyroid carcinoma: benefits and limits of radioiodine therapy. *J Clin EndocrinolMetab* 2006; 91: 2892–2899.
20. Pennell NA, Daniels GH, Haddad RI et al. A phase II study of gefitinib in patients with advanced thyroid cancer. *Thyroid* 2008; 18: 317–323.
21. Sherman SI, Schlumberger M, Doz J et al. Initial results from a phase II trial of motesanib diphosphate (AMG 706) in patients with differentiated thyroid cancer. Forty-third Annual Meeting of the American Society of Clinical Oncology (ASCO 2007), June 1–4, Chicago, IL.
22. Wells SA, Gosnell JE, Gagel RF et al. Vandetanib in metastatic hereditary medullary thyroid cancer: follow-up results of an open-label phase III trial. Forty-third Annual Meeting of the American Society of Clinical Oncology (ASCO 2007), June 1–4, Chicago, IL (Abstr 6018).

## **БИРЛАМЧИ ГИПЕРПАТАТИРЕОЗНИНГ диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протоколлар**

### **1. Таърифи:**

Бирламчи гиперпаратиреоз - паратгормоннинг меъёридан ортқича ишлаб чиқарилиши билан юзага келувчи паракалконсимон безларнинг бирламчи касалланиши бўлиб, суяк системаси ва ички аъзоларнинг ( биринчи навбатла буйраклар ва МИТ) шикастланиши билан кечади.

Бирламчи гиперпаратиреоз ( БГПТ) учраш частотаси турли авторлар маълумотлари бўйича турлича бўлиб, 0,0022дан 0,52 % гача ташкил килади. БГПТ 60 ёшдан ошган беморлар гуруҳи ичидаги аёлларда 2 мартга купрок кузатилади. Нисбат 1:3 ни ташкил килади( йилига 100 000 бемордан тахминан 190 та ёши 60 дан ошган аёллар касалланади).

### **II. Классификация , клиника, диагностика ва даволаш.**

#### **2. Клиник классификация.**

##### **Этиологик**

- Солитар аденома
- Куплаб аденома
- Карцинома
- Паракалконсимон безлар гиперплазияси , 1 ва 2 тип МЭН синдроми фонида бирламчи гиперпаратиреоз .

##### **Клиник**

- Симптомсиз
- Камсимптоми.
- Гиперпаратиреознинг манифест шакли.

##### **Бошқа симптоматикага боғлиқ**

- Суяк шакли
- Висцерал шакл
- Аралаш шакл
- Гиперкальциемик криз.

#### **3. Госпитализацияга курсатма.**

- Хирургик даво. Махсус хирургик булимга режали госпитализация.
- Оператив давога мухтож булмаган беморларда гиперкальциемиянинг компенсацияси. Махсус эндокринологик булимга тезкор госпитализация.

#### **4. Асосий ва қушимча диагностик тадбирлар**

Амбулатор , қуйидагиларнинг миқдорини аниқлаш:

- Умумий ва ионизирланган Са<sup>++</sup> нинг кондаги миқдори,
- Умумий ва ноорганик фосфорнинг кондаги миқдори.
- ПТГ нинг кондаги миқдори.

Аниқлаш:

- Конда ишкорий фосфатаза фаоллиги.
- Конда остеокальцин ва СТх микдорини аниклаш.
- Суткалик пешоб таркибида Са ва фосфор экскрецияси.  
Калконсимон без сохасини УТТси.  
Буйин сохасини контраст юбориш йули билан КТ ва МРТси ( курсатма буйича)  
Стационарда
- Талли, техниций, селен-метионин, технетрил билан сцинтиграфия ( курсатма буйича).
- ПКБ УТТ назорати остида пункцион биопсияси( курсатма буйича) .
- Суяклар рентгенографияси.  
Кушимча диагностик тадбирлар.  
Амбулатор
- Умумий кон тахлили
- Умумий пешоб тахлили
- Нахорги конда канд микдори.
- Коагулограмма
- ПТИ.
- ВИЧ га кон топшириш
- Геп “ В” ,” С” га кон топшириш
- RW га кон топшириш
- Мочевина , креатинин
- АЛТ, АСТ
- Умуртка погонасининг кукрак ва бел сохаси рентгенографияси.
- Бош чаноги рентгенографияси.
- Панжа рентгенографияси.
- ЭКГ.
- Терапевт консультацияси.
- Буйраклар УТТ си.
- ТТГ, Т4(эркин) ,Анти ТПО. ( курсаима буйича)  
Стационарда.
- ЭФГДС ( курсатма буйича)
- Кондаги оксил ва албумин микдори.
- Реберг синамаси.
- Зимницкий буйича пешоб тахлили.
- Колдик азот , мочевина , креатинин.

## **5. Ташхислаш критерийлари.**

### **5.1 Шикоятлар ва анамнез.**

Шикоятлар: суякларда огрик, холсизлик, иштаха пасайиши, усишдан оркада колиш, буй пасайиши, кайфият пасайиши.

Анамнез: суяклар синиши , сийдик-тош касаллиги, полиурия, поли-дипсия, депрессив холатлар.

## 5.2 Физикал текширув

Курувда: скелет деформацияси, холсизлик, бушашиш, тери куруклиги.

### *Асосий клиник куриши:*

- Суяк-мушак системаси: суякларда огрик, деформация, патологик синишлар, подагра, псевдоподагра, мушак атрофияси.
- Рецидивланувчи нефролитиаз, нефрокальциноз,
- Сурункали панкреатит, ошқозон-яра касаллиги.
- Диспептик бузулишлар, озиш.
- Психик узгаришлар- депрессия, АНС.
- Инсипидар синдром.
- Юрак ритми бузилишлари. Артериал гипертензия.

## 5.3 Лаборатор текширувлар.

- Умумий Са микдорининг  $>2,6$  ммоль/л да ва ионизацияланган Са микдорининг  $> 1,3$  ммоль/л дан ошиши.
- Умумий фосфор микдорининг  $<0,7$  ммоль/л дан пасайиши.
- Ноорганик фосфор концентрациясининг  $<0,8$  ммоль/л ва ундан пасайиши.
- Суяк ишқорий фосфатазаси фаоллигининг 1,5-5 баробарга ошиши.
- Гипер ёки нормокальциурия.
- Гиперфосфатурия.
- Гипоальбуминемия.

## 5.4 Инструментал текширув.

Буйин сохасида хосилани аниклаш:

- Калконсимон без сохаси УТТ си ( Информативлик 50-90%)
- Буйин сохасини контраст юбориш йули билан КТ си.
- Буйин сохасини контраст юбориш йули билан МРТ си.
- Сцинтиграфия.
- УТТ назорати остида пункцион биопсия.
- Субпериостал резорбция белгилари.
- Суяклар зичлигининг пасайиши.
- Буйраклар УТТ сида кораллсимон тошларнинг аникланиши.
- ЭФГДС.


## 5.5 Тор мутахассислар консултациясига курсатма:

- Буйраклар шикастланишида – нефролог.
- Меъда-ичак ярасига гумон булган холатларда- Гастроэнтеролог .
- Депрессив холатларда –психиатр.
- Оператив давога курсатма булса- хирург.

## 6. Дифференциал диагностика.

Бирламчи гиперпаратиреозда дифференциал диагностика алгоритми.

<b>Гиперкальциемия ривожланиши билан кечувчи холатлар</b>	Гиперкальциемия ривожланиши билан кечувчи холатларнинг сабаби
<b>ПКБ нинг бирламчи шикастланиши</b>	Бирламчи гиперпаратиреоз (аденома, рак ёки паракалконсимон безлар гиперплазияси) Қуплаб эндокрин неоплазия фонида Гиперпаратиреоз
<b>Ёмон сифатли хосилалар.</b>	Ёмон сифатли усмаларнинг Остеолитик метастазлари Псевдогиперпаратиреоз Гематологик процесслар (миелом касаллиги, лимфома, лейкоз, лимфогранулематоз)
<b>Буйрак этишмовчилиги</b>	Адинамик суяк касаллиги. Учламчи гиперпаратиреоз
<b>Эндокрин система касалликлари.</b>	Тиреотоксикоз Акромегалия Феохромоцитома Хроническая надпочечниковая недостаточность
<b>Оилавий гипокальциурик гиперкальциемия.</b>	—
<b>Медикаментоз гиперкальциемия</b>	витамин D ва A Передозировкаси. Литий Препаратлари Тиазид диуретиклари Бурнет синдроми
<b>Иммобилизация</b>	Суяк синишлари Соматик касалликлар.



## 7. Даволаш.

- ПТГ гиперпродукциясининг омилени бартараф қилиш.
- Конда Са ва ПТГ микдорини нормаллаштириш ёки пасайтириш.
- Суяк-висцерал бузилишларни бартараф қилиш.

### 7.1 Даволаш тактикаси: хар бир беморда касалликнинг кечишига қараб индивидуал танланади.

### 7.2 Номедикаментоз даволаш.

- Диета, стол №9
- Жисмоний зуриқишларни камайтириш ва суяк синишларини олдини олиш.

### 7.3 Хирургик даво (эффе́ктивлик 95-98 %)

*Хирургик давога абсолют курсатма:*

- 50 ёшгача булган беморлар
- Шифокор назорати остида узок муддат кузатишнинг иложи булмаган ҳолатларда.
- Конда умумий Са микдорининг 1 мг/дл дан ошганда (0,25 ммоль/л юкори норма чегарасидан баланд)
- 1 Сутка давомида Са нинг пешоб билан экскрецияси 400 мг ва ундан юкори булса.
- Креатинин микдори 30% дан пасайса.
- Нефрокальциноз ва остеопороз мавжуд булган ҳолатларда.
- Калканолиди без усмаларида.

*Асоратлари.*

- Халкум нерви шикастланиши
- Транзитор ёки тургун гипокальциемия, гипомагниемия, “Оч суяклар синдроми”.

Гипокальциемия давоси: 1500-2000 мг Са ва дигидротахистерол 5-20 томчидан кунига 3 махал ёки альфакальцидол 1-3 мг/сут; томирлар тортишиш холатларида кальций глюконат 80 мл гача микдорда физ эритма билан. Даволаш хар кун конда Са микдорининг назоратида олиб борилади.

Рецидивлар учраш частотаси:

Спорадик гиперпаратиреоз 5-10%

МЭН синдромли гиперпаратиреозларда 15-25%

Паракалконсимон безлар усмаларида -32%.

**Медикаментоз даволаш.**

Курсатма:

- Енгил суяк бузилишларива сезиларсиз гиперкальциемия ёки нормокальциемия холатларида.
- Оператив даводан кейин ремиссия кузатилмаганда.
- Манифест гиперпаратиреозларда, хирургик давога карши курсатма булганда ёки бемор хирургик даводан бош тортган холатларда.

*Кулланилади:*

- Бифосфонатлар- Са микдорини пасайтиради.
- Алендрон кислота 70 мг дан хафтада 1 марта.
- Ибандрон кислота 150 мг ойига 1 марта.
- Памидрон кислота 15-90 мг дан в/и томчилаб 4-6 соат, 4-6 хафтада 1 марта 2-5 йил.
- Кальцитонин Са микдорини пасайтиради. 200 МЕ дан бурунга хар кун ёки 100МЕ дан м/о кун ора.
- Гестаген-эстроген УГТ- постменопауза давридаги аёлларда енгил кечувида Са микдорини пасайтиради.
- Кальцимитетики -ПТГ микдорини пасайтиради.

**8. Профилактик тадбирлар.**

Ремиссия холатида:

- Эндокринолог назоратида туриш. Остеопорозни даволаш.
- Хар 3-6 ойда 1 марта кон зардобида ишкорий фосфатаза фаоллигини назорат килиш.
- 3 йилда 1 маротаба рентген назорат.
- Рецидив холатида даво курсини такорлаш.

**9. Ташхислаш ва даволаш усулларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини белгиловчи индикаторлар:**

- БГПТ ни эрта боскичларида аникланишининг яхшиланиши;
- Ремиссия холатига эришган беморларнинг сонини ортиши.
- Хирургик даводан кейинги асоратларнинг учраш сонинининг камайиши.

## Бирламчи гиперпаратиреознинг клиник тавсияларга ишланган ЙУЛ ХАРИТАСИ

### **1-боскич. ҚВП даражасида гиперпаратиреозни диагностикаси ва даволаш.**

*Клиник текширув:*

Суякларда оғриқлар, юришнинг ўзгариши (ўрдаксимон) бўйнинг пасайиши, юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг кўтарилиши, ошқозон атрофидаги оғриқлар, буйрак санчик хуружлари, Пастернацкий синамасининг мусбат бўлиши, суяклар синиши, ҳайзнинг бузилиши, руҳий бузилишлар (асабийлик, йиғлоқлик).

*Даволаш:* Бемор туман эндокрин хонасига эндокринолог маслаҳати учун юборилади

- Номедикаментоз даво  
Парҳез, кальцийга бой маҳсулотларни чеклаш, кўп суюқлик ичиш
- Медикаментоз даво

### **2-боскич. КТМШ, ТМШда даражасида гиперпаратиреозни диагностикаси ва даволаш.**

*Клиник текширув:*

Суякларда оғриқлар, юришнинг ўзгариши (ўрдаксимон) бўйнинг пасайиши, юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг кўтарилиши, ошқозон атрофидаги оғриқлар, буйрак санчик хуружлари, Пастернацкий синамасининг мусбат бўлиши, суяклар синиши, ҳайзнинг бузилиши, руҳий бузилишлар (асабийлик, йиғлоқлик).

*Лаборатортекширув*

- Қондаги кальций,  
Инструментал текширувлар:
- суяк рентгенографияси, УТТ ҚОБ, буйраклар, ЭКГ

*Даволаш:*

- Номедикаментоздаво  
Парҳез, кальцийга бой маҳсулотларни чеклаш, кўп суюқлик ичиш
- Медикаментоз даво
  - Операциягача даво:  
Натрия хлорид 0,9%, фуросемид, преднизолон.
  - Операциядан кейин:  
кальцийДз, бисфосфонатлар (бондронат, бонвива, бонифасва б.).

### **3-боскич. ВЭД даражасида гиперпаратиреозни диагностикаси ва даволаш.**

*Клиник текширув:*

Суякларда оғриқлар, юришнинг ўзгариши (ўрдаксимон) бўйнинг пасайиши, юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг кўтарилиши, ошқозон атрофидаги оғриқлар, буйрак санчик хуружлари, Пастернацкий синамаси-

нинг мусбат бўлиши, суяклар синиши, хайзнинг бузилиши, руҳий бузилишлар (асабийлик, йиғлоқлик).

*Лаборатортекширув*

- Қондаги кальций,

*Инструментал текширувлар:* суяк рентгенографияси, УТТ ҚОБ, буйрақлар, ЭКГ, ишқорий фосфотаза

*Даволаш:*

РИЭИАТМга юбориш керак

- Номедикаментоз даво  
Пархез, кальцийга бой маҳсулотларни чеклаш, кўп суяқлик ичиш
- Медикаментоз даво
  - Операциягача даво:  
Натрия хлорид 0,9%, фуросемид, преднизолон.
  - Операциядан кейин:  
Кальц ий Дз, бисфосфонатлар (бондронат, бонвива, бонифасва б.).

#### **4-боскич. РИЭИАТМ даражасида гиперпаратиреозни диагностикаси ва даволаш.**

*Клиник текширув:*

Суякларда оғриқлар, юришнинг ўзгариши (ўрдаксимон) бўйнинг пасайиши, юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг кўтарилиши, ошқозон атрофидаги оғриқлар, буйрак санчик хуружлари, Пастернацкий синамасининг мусбат бўлиши, суяклар синиши, хайзнинг бузилиши, руҳий бузилишлар (асабийлик, йиғлоқлик).

*Лаборатортекширув*

- Қонда ПТГ, кальцитонин
- Оқсил фракциялари
- Биокимёвий кўрсаткичлар (АЛТ, АСТ, мочевино, креатинин, қондаги кальций, ишқорий фосфотаза, фосфор)

*Инструментал текширувлар:*

- Суяк рентгенографияси, ЭКГ.
- КТ + скintiграфия қалқонсимон олди беги
- Рентгенденситометрия
- Кальций билан синама ўтказиш
- УТТ буйрақлар, ўт копи, қалқонсимон олди беги
- ЭГДФС


*Даволаш:*

- Номедикаментоз даво  
Пархез, кальцийга бой маҳсулотларни чеклаш, кўп суяқлик ичиш
- Медикаментоз даво
  - Операциягача даво:  
Натрия хлорид 0,9%, фуросемид, преднизолон.
  - Операция:  
Паратиреоидэктомия
  - Операциядан кейин:  
кальцийДз, бисфосфонатлар (бондронат, бонвива, бонифасва б.).

## Гиперпаратиреозда ишлатиладиган маҳаллий ва хорижий дори воситаларининг номлари

Нозологик номи	10-ХКТ бўйича	Дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи	Дори воситаларининг савдо номи, шу жумладан:
			шифр
Гиперпаратиреоз	E21	Кальцитонин	Миокальцик

## Бирламчи гиперпаратиреозни диагностикаси ва даволаш аллгоритми



### Адабиётлар:

1. Дедов И.И., Мельниченко Г.А., Фадеев В.В. Эндокринология. Учебник. 2-е изд.-М.: Медиа, 2009. – 432 с.
2. Рациональная фармакотерапия заболеваний эндокринной системы и нарушений обмена веществ. Под общей редакцией И.И. Дедова, Г.А. Мельниченко. – М.: Литтерра, 2006. – С.406-428.
3. Черенько С.М. Первичный гиперпаратиреоз: основы патогенеза, диагностики и хирургического лечения. – К., 2011.
4. AACE/AAES Task Force on Primary Hyperparathyroidism. The American Association of Clinical Endocrinologists and the American Association of Endocrine Surgeons position statement on the diagnosis and management of primary hyperparathyroidism // EndocrPract. – 2005. – Vol.11. – P.49-54.
5. Bringhurst F.R., Demay M.B., Kronenberg H.M. Hormones and disorders of mineral metabolism. In: Kronenberg H.M., Schlomo M., Polansky K.S., Larsen P.R., eds. Williams Textbook of Endocrinology. 12th ed. Philadelphia, Pa: SaundersElsevier; 2011: chap. 28.

6. Eastell R. Diagnosis of asymptomatic primary hyperparathyroidism: proceedings of the 1st international workshop / R. Eastell, A. Arnold, M.L. Brandi [etal.] // J. Clin. Endocrinol. Metab. – 2009. – Vol.94 (2). – P.340-350.
7. Nussey S.S., Whitehead S.A. Endocrinology. An integrated approach. – BIOS Scientific Publishers Limited, 2001. – 358 p.
8. Wysolmerski J.J., Insogna K.L. The parathyroid glands, hypercalcemia, and hypocalcemia. In: Goldman L, Schafer AI, eds. Cecil Medicine. 24th ed. Philadelphia, Pa: SaundersElsevier; 2011: chap. 253.

